6 ЯНВ 1990 ВИМСА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ № 3-4 (20.870-20.871). 1991 йил 4 январь, жума. ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 12 тийин.

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ ҲАЁТИ

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

• *Деҳқонларнинг қишки юмушлари*

ЯНГИ ЙИЛДА ЭКИЛДИ

● Хивадаги Дзержинский номли колхозда йилнинг дастлабки кунлариданоқ иш бошланиб кетди. Хўжалик сабзавоткорлари пиёз экишга киришдилар. Бу экин хўжаликда салкам 100 гектар майдонни эгаллайди.

Бу йилги экишнинг ўзига хос хусусияти бор — қишки экинлар плёнка билан ёпилмади. Экин экиб бўлингандан сўнг унинг ўрнига юпқа қилиб қум сепилди. Бу усул отаболар усули деб аталади, ҳам самарали, ҳам оқилонадир. Қолаверса пленка қиммат туради, қум эса Қорақумда исталганча бор. Зеро, янгиликка бирданига журъат қилиша олмади: мазкур усулни ўтган йилларда тажриба участкаларида синаб кўришди.

Хива ноҳиясининг кўпгина хўжаликлари пиёздан юқори ҳосил олиш билан машҳурдир. Деҳқонларнинг фикрича, ҳозир айни пиёз экадиган палла. Сабзавоткорлар баҳордаёқ кўк пиёзни юлиб олишади, кузда эса бошпиёз йиғиштириб олинади, 1991 йилда ноҳия хўжаликлари камида 10 минг тонна пиёз етиштиришни режалаштириб қўйишган.

ИССИҚХОНАЛАР ГАЗЛАШТИРИЛМОҚДА

●Сурхондарёдаги «Термиз» совхозининг иссиқхоналари газ билан иситишга ўтказилди. Бу иссиқхоналарда асосан лимон етиштирилади.

Мазкур система илгаригисидан ҳар жиҳатдан фойдали ва ишончлироқдир. Зеро, илгари керакли ҳароратни сақлаб туриш учун беш юз ва минг ваттли электр лампаларидан фойдаланиларди. Бундай лампалар ҳозир камёб бўлиб қолди.

Лимонзорни газлаштириш учун керакли ускуналар маҳсулот айирбошлаш шартномаларига мувофиқ мамлакатимизнинг турли минтақаларидан олинди. Ўтган йили 3 миллион сўмни ташкил этган фойда бажарилган иш учун ҳақ тўлашга сарфланди. Ана шу маблағлардан ҳозир дала шийпони, мактаб ва давлат хўжалигидаги қўрғон учун янги сув қувури қурилиши олиб борилмоқда.

(ЎзТАГ).

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ. Янги йил арча байрамини изборсанлик кичкинтойлар янги болалар боғчасида нишонладилар. Ҳозирги кунда «Нилуфар» болалар боғчасида 140 нафар ёш авлод тарбияланмоқда. Замонавий мебеллар билан жиҳозланган хоналар, қўргазмали қуроллар орқали ўтказилаётган машғулотлар тарбияланувчиларнинг талаб даражасида камол топишларига имкон бераётир.

Суратда: тарбиячи Хамидахон Ҳолиқова тарбияланувчилар билан машғулот ўтказмоқда.

Ш. АЛИМОВ (ЎзТАГ) суратга олган.

Ўзбекистон ССЖ Президенти Фармони кучга кирди

1991 йилнинг 1 январидан бошлаб, Ўзбекистон ССЖ Президентининг «Барча турдаги мактабларнинг ўқитувчиларига, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юқори синф ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида»ги Фармони кучга кирди. Ушбу Фармон Ўзбекистондагина эмас, балки қардош жумҳуриятлардаги ўқитувчилар орасида ҳам катта қизиқиш уйғотди.

ИМТИЁЗ ВА БУРЧ

Рўзнома саҳифаларида Фармон эълон қилингач, муҳарририятга юзлаб педагоглардан хатлар келди. Мактуб эгалари ушбу ғамхўрлик учун миннатдорчилик билдириш билан бир қаторда, Фармонда қайд этилган имтиёзларнинг берилиш тартиби юзасидан қатор саволлар билан ҳам мурожаат қилишган. Ўзбекистон ССЖ Халқ таълими ва Молия вазирликларининг бир гуруҳ мутахассислари бу борада ўз таклифмулоҳазаларини ишлаб чиқдилар.

Сўз Ўзбекистон ССЖ Халқ таълими вазири **В. ЮСУПОВ**га:

— Шуни таъкидламоқ керакки, Ўзбекистон ССЖ Президентининг ўқитувчиларга ва тарбиячиларга қўшимча имтиёзлар ҳақидаги Фармони — давлатимизнинг келажаги, унинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиёти йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган жумҳуриятимиз педагогларининг ҳаётда тутган ижтимоий мавқеига берилган юксак баҳодир.

Фармонга кўра, 1991 йилнинг 1 январидан ўқув дарслари миқдорини 18 соатдан 16 соатга тушириш орқали иш ҳақини 15 фоизга ошириш назарда тутилган. Бу ҳуқуқ барча турдаги умумтаълим мактаблари (жумладан, кечки мактаблар), мактаб-интернатлар, мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларининг V—XI-синфлар ўқитувчиларига тааллуқлидир.

«ССЖИ халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон ССЖ халқ ўқитувчиси» унвонларига сазовор бўлган ўқитувчиларнинг иш ҳақларига ҳар ойда 100 сўмдан, «Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвонига сазовор бўлган ўқитувчиларнинг иш ҳақларига ҳар ойда 60 сўмдан қўшимча ҳақ тўлаб бориш тадбирлари белгиланди.

Фармонга асосан, 10 йилдан кам бўлмаган умумий педагогик иш фаолиятига эга бўлган барча турдаги мактаб ва мактаб-интернатларнинг (жумладан, кечки мактабларнинг), мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларининг ўқитувчилари, логопед-ўқитувчилари, дефектолог-ўқитувчилари, мактаблар, мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларининг директорлари, уларнинг ўқув, таълим-тарбия, чет тили, ишпед-ўқитувчилари; болалар уйларининг тарбиячилари ва раҳбар ходимлари; юқорида тилга олинган ишларда меҳнат қилган пенсионерлар, оладиган нафақасининг қандайлигидан қатъи назар, беминнат равишда шахсий мулк сифатида давлат ва идораларга қарашли уйларни, хонадонларни олишга ҳақлидирлар, шунингдек уй ҳақи ва маиший хизмат ҳақларини тўлашда имтиёзларга эгадирлар.

Беминнат равишда уйларни олиш, хонадонларни олиш ҳамда уй ҳақи ва маиший хизмат ҳақларни тўлашда белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқидан, шунингдек баробар тарзда ижарада турувчи, юқорида тилга олинган ишларда меҳнат қилаётган педагоглар, ана шундай ижарада ва идорага қарашли, шунингдек турар-жой қурилиш ширкатларига тааллуқли уйларда, жумладан фуқароларга шахсий мулк сифатида берилган хонадонларда истиқомат қилаётган педагоглар ҳақлидирлар.

Қишлоқ жойларда, шаҳар хилидаги қишлоқларда истиқомат қилувчи ўқитувчилар уй ва маиший хизмат ҳақларини тўлашдан бутунлай озод қилинадилар. Шаҳарларда истиқомат қилаётган ўқитувчилар эса ушбу тўловлардан 50 фоизга озод қилинадилар, Теплица, оранжерея ва қарамоқдаги хўжаликларни сув, ёнилғи, чироқ билан таъминлашга кетган харажатлар педагогларнинг ўз ҳисобларидан бўлади.

Қишлоқ жойларда, шаҳар хилидаги қишлоқларда ва шаҳарларда ижарада турувчи ўқитувчиларга ижара ҳақи (маиший хизмат ҳақини ўз ичига олган ҳолда) 25 сўм миқдорида тўланади.

Агар ўқитувчилар истиқомат қилаётган уйларда марказлаштирилган иссиқлик манбаидан фойдаланиш имконияти бўлмаса, уларга ёнилғи учун сарф қилинган харажатлар учун ҳар бир печка-ўчоққа бир тонна кўмир ҳисобида товон тўланади.

Яна шуни эслатиб ўтмоғим лозимки, Ўзбекистон ССЖ Президентининг Фармонига кўра, вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, жамоа ва совет хўжаликлари раҳбарларига болалар уйларининг ўқитувчилари ва тарбиячиларининг турмуш тарзини яхшилаш, ўсиб келаётган авлоднинг ҳар томонлама камол топиши учун барча шарт-шароитларни яратиш вазифаси белгиланди.

Ушбу Фармон — жумҳуриятимиз ўқитувчилари ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ва ўқитувчилик касбининг обрўсини янада оширишга қаратилган навбатдаги янги қадамдир.

Ўзбекистон ўқитувчилари конференциясининг топшириғига биноан, вазирлик ҳозир мактабгача ва мактабдан ташқари ҳунар-техника муассасаларининг ҳам ходимларига юқорида қайд қилинган имтиёзларнинг тегишли бўлиши масаласи устида иш олиб бормоқда, таклифлар ишлаб чиқмоқда. Ўзбекистон ССЖ Президентининг Фармонини амалга ошира бориш ёш авлодга таълим-тарбия бераётган ўқитувчиларимиз фаолиятини сифат жиҳатдан юксак бўлган ижодий погоналарга олиб чиқади, деган умиддамиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон ССЖ ҳудудида қўшма корхоналарни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон ССЖ иқтисодий мустақиллиги қондаларини ривожлантириш мақсадида ҳамда «ССЖ Иттифоқи, иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар асослари тўғрисида»ги ССЖИ Қонунига мувофиқ. Ўзбекистон ССЖ ҳудудида совет ва чет эл корхоналари, ташкилотлари ва фирмалар иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналар, халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар (бундан буён қўшма корхоналар деб аталади), Ўзбекистон ССЖ Молия вазирлигида рўйхатга олинишини белгиладн.

Ўзбекистон ССЖ Молия вазирига Ўзбекистон ССЖ ҳудудида совет ва чет эл корхоналари, ташкилотлари ҳамда фирмалар иштирокида ташкил этилаётган қўшма корхоналар, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларни рўйхатга олиш тартибини ишлаб чиқиш топширилди;

Ўзбекистон ССЖ ҳудудида ишлаётган қўшма корхоналар ва қўшма корхоналарнинг филиаллари 1991 йил 1 январдан бошлаб қайта рўйхатга олинсин.

Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон ССЖ Молия вазирлигининг қўшма корхонани ва қўшма корхона филиалини рўйхатга олиш учун 250 сўм миқдорда тўлов белгилаш ва бундан тушган маблағни жумҳурият бюджетига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик билдирди.

(ЎзТАГ).

• *Долзарб мавзу*

Ўғриларга қарши кураш

● Давлат хавфсизлиги идоралари прокуратура, Ички ишлар вазирлигининг ва ишчи назоратининг идоралари, меҳнат жамоалари, оммавий ахборот воситалари билан биргаликда халқ истеъмоли тақчил молларини беркитиб қўйиш ҳолларини, уларни тақсимлаш, сақлаш ва ташишдаги қонун бузилишларини аниқлаш, олдини олиш ва шундай фактларнинг пайини қирқиш ишларини давом эттирмоқда. Бир қанча жойларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг аралашуви билан энг зарур моллар истеъмолчига етиб боришига эришилди.

ССЖИ Давлат хавфсизлиги қўмитасининг жамоатчилик билан алоқа марказида ТАСС мухбирига хабер қилишларича, милиция ходимлари билан биргаликда олиб борилган иш туфайли уюшган жиноятчи гуруҳ фош этилди. Бу гуруҳ Киевдаги мудофаа корхоналаридан жуда катта миқдордаги чет эл компьютер техникасини ўғирлаш билан шуғулланган. Гуруҳнинг етти аъзоси қамоқка олинган. Давлат хавфсизлиги қўмитаси бошқармаси оператив-тергов бригадаси Запорожьедаги катта озиқ-овқат магазинларидан бирида ўтказган текширув натижалари юзасидан Ички ишлар вазирлиги идоралари жиноий иш қўзғаган. Тергов чоғида жами 63 минг сўмликдан зиёд ўта тақчил ва ноёб ҳисобланган маҳсулотлар (23,5 минг банка балиқ консервалари, 300 килограмм икра, 43 килограмм сервилат колбаса, 11,3 минг қути хориждан келтирилган чой, 218 қути шоколадли конфет, 1000 тадан кўп шишада спиртли ичимликлар ва яна 90 хилдан ортиқ бошқа маҳсулотлар) ўғирлаш мақсадида беркитиб қўйилганлиги маълум бўлди. Бундан ташқари дўконнинг ёрдамчи биносида 42157 сўм пул жойлаб қўйилган картон қути ҳам топилган.

Тюмень давлат хавфсизлиги қўмитаси бошқармасининг материалларига кўра, Нижневартовск БХСС бўлими жуда катта миқдордаги молларни ўғирлаганлиги учун «Инварт» фирмасининг («XXI аср» уюшмасининг Ғарбий Сибирь бўлими) директорига нисбатан жиноий иш қўзғаган. Мазкур фирма директори Доғистонда давлат баҳосида спиртли ичимликларни сотиб олиб, Нижневартовскдаги район балиқчилик кооперацияси магазинининг раҳбарияти билан тил бириктириб, уларни тижорат нархида сотган. Бунда у 140 минг сўмга яқин пулни ўзлаштиришни мўлжаллаган.

Балиқ маҳсулотларини сақлаш ва сотиш учун масъул бўлган ташкилотларда шундай маҳсулотларни аҳолига сотмай беркитиб қўйиш ҳоллари кўплаб содир этилганлиги аниқланди. Чунончи, «Тверьриба» ишлаб чиқариш бирлашмасининг омборларида 1989 йилдан бери сотилмай турган 23754 банка ласос балиғининг консерваси, 3360 банка сайра, 1005 банка осетер балиғи консерваси топилган, Чебоксаридаги музхона комбинатини текшириш чоғида узоқ вақт сақланаётган 61490 банка кет, 366 килограмм осетер балиғининг увилдириғи, 2982 килограмм осетер балиғи топилган, Гроднодаги улгуржи балиқчилик базасида сақлаш муддати июль-август ойларидаёқ ўтиб кетган 30 минг банкадан кўп балиқ консерваси сақланаётганлиги аниқланган. Шу ернинг ўзида 1990 йилнинг май — октябрь ойларида келтирилган салкам минг банка қора икра топилган.

ССЖИда ишлаб чиқарилган молларни чет элдан валютага сотиб олиш фактлари аниқланган. Бунда моллар ҳорижга илгари сотилганига нисбатан бирмунча юқорироқ нархларда сотиб олинмоқда. Масалан Днепропетровск вилоятининг корхоналари Германиядан «Жигули» автомашиналарининг ҳар бирини 5.500 чет эл валютасига харид қилиб олганлар. Ваҳолонки, бундай машиналар чет элга ҳар бири 1.500 чет эл валютаси нархида сотилган эди. Днепропетровскда ишлаб чиқарилган 10 мингта свитерни Венгриядан сотиб олишган. Днепропетровскдаги 2-уйсозлик комбинатида тайёрланган дурадгорлик буюмлари Польшада 100 минг чет эл валютасига харид қилинган. Аниқланган фактлар бўйича материаллар прокуратура идораларига юборилди.

(ТАСС).

ҚИШКИ ТАЪТИЛ СОВҒАСИ

Ховос болалар уйини оталиққа олган Янгиер бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатининг меҳнаткашлари тарбияланувчилар учун чинакам байрам уюштирдилар. Болалар қишки таътил кунларини комбинатга қарашли санаторий-профилакторийда ўтказадилар. Бу ерда улар яхши дам олишлари, тиббий кўрикдан ўтишлари, керак бўлса, даволанишлари ҳам мумкин бўлади.

Корхона жамоаси ўз маданият саройида болалар уйининг тарбияланувчилари учун катта янги йил байрами уюштирди. Шу куни бирорта ҳам бола совғасиз қолмади.

(ЎзТАГ).

ТИЖОРАТ НАРХЛАРИГА ҚАРАМАЙ

Жиззахда вилоят савдо бошқармасининг хўжалик ҳисобидаги тижорат дўкони очилди. Унинг учта бўлимида газмол ва пойабзал, атторлик, упа-элик, радио буюмлар, тикувчилик ва трикотаж буюмлари бор. Шаҳар аҳли бундай чиройли ва сифатли буюмларни кўрмаганига анча бўлган эди. Шу боисдан ҳам юқори нарх тўсиқ бўла олмади — биринчи куннинг ўзидаёқ бу ерда 80 минг сўмлик мол сотилди.

— Илгари олибсотарлар қўлига тушадиган пуллар эндиликда бизлар орқали давлатга тушяпти, — дейди дўкон директори И. К. Маъ рупов. — Харидорлар талаби ўрганилгандан кейин жумҳурият Савдо вазирлиги ҳузуридаги махсус комиссия нархларни белгилади. Одатдаги чакана нарх билан тижорат нархи ўртасидаги фарқнинг 95 фоизи турар жой банки маҳаллий бўлимининг махсус ҳисобига тушади. У ердан эса бу маблағлар ёрдамга мухтож бўлганларга тақсимланади. Дўконга атиги 5 фоизи қолади.

Тижорат дўкони молларни бозор фондидан олади.

А. ҚУЛБОЕВ,
ЎзТАГ мухбири.

• *Лўқма*

КЕЧИККАН РЎЗНОМАЛАР

Қашқадарё вилоятининг кўпгина шаҳар ва қишлоқларида яшовчи муштарийлар Янги йилни рўзномасиз кутиб олишди. Нима учун, дея таажжубланманг, воқеа тафсилоти бундай: 345/924 Тошкент—Душанбе юк ташиш поезди 31 декабрь тунда маҳаллий вақт билан соат 12.30 да Қарши шох бекатига келиб тўхтади.

40 минутга яқин тўхташ пайтида вагондан газета, хатхабарларни тушириб олиш керак эди. Қарши почтамтининг почта ташиш бўлими тунги смена ходимлари хатхабарлар ва 446 тахлам газетадан бор-йўғи 210 тасини туширишга улгурдилар холос. Поезднинг почта ваГони бошлиғи (смена бошлиғи С. Калмакованинг сўзига қараганда, исми-фамилиясини айтмаган) ҳамма газеталарни тушириб олишга имкон бермаган: қолган газеталарни поезд Душанбега бориб қайтганда тушириб оласизлар, деган у бепарволарча. Поезд жўнаб кетган. Орадан икки кун ўтди.

Бирники мингга, мингники туманга, деганларидек, бир кишининг масъулиятсизлиги билан 29—30 декабрда чоп этилган «Совет Ўзбекистони», «Правда Востока», «Ёш ленинчи» каби жумҳурият, 30—31 декабрда чиққан «Правда», «Известия»,« Труд» ва бошқа марказий рўзномаларнинг анчагина қисми Душанбе «саёҳати»дан сўнг 1991 йил 2 январь куни қайтариб келтирилди.

Хуллас, Янги йилда ўн минглаб муштарийлар кундалик газеталарини ўз вақтида ололмай хуноб бўлдилар. Бу ғаройиб, иш билан қизиқдик. Қарши ш х бекати почта ташиш бўлими ходимларининг таъкидлашича, почта вагони бошлиғи кўп ичиб қўйиб, ҳушёрликни бой берган эмиш. Аммо бу факт бизга ҳозиргача номаълум. Чунки рўзномаларнинг кечикиш сабабчилари атрофлича ўрганилиб, акт ҳам тузилмаган, ҳатто айбдорларга жарима ҳам солинмаган. Агар шунчалик муросасозликка борилмаганда қаршилик алоқачилар ҳам ўтган ишга саловат, дея қўл силтаб қўяверишмасди.

Маълумки, бу йилдан бошлаб рўзнома ва ойномаларнинг нархи кўтарилди. Бундан, албатта, алоқачилар ҳам манфаатдор. Нашрларни ўз вақтида обуначиларга етказишдек катта масъулиятни зиммасига олган жумҳурият Алоқа вазирлигининг жойлардаги муассасалари, афтидан, эски одатни тарк этмаганга ўхшайдилар. Бу муштарийларга қиммат тушмасмикан?

М. КАРОМОВ.

АХБОРОТ

БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

● Андижон вилояти Пахтаобод район марказида очилган 280 ўринли болалар боғчаси «Буратино» деб номланди.

Икки қаватли замонавий бинони «Андижаноблагропромстрой—1» трестининг механизациялаштирилган кўчма колоннаси жамоаси қурди.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДА

● Ленин номли Тошкент давлат дорилфунуни босмахонасининг номи ўзгарди.

Бундан буён у «ТошДД нашриёти» деб аталади. Бу — шунчаки лавҳани ўзгартириб қўйиш эмас. 1991 йилнинг январь ойидан бошлаб тўла хўжалик ҳисобига ўтилиши билан жамоа барқарор ишлаши учун қатъий даромадга эга бўлиши лозим. Дорилфунун босмахонаси дарсликлар, илмий ишлар, методик қўлланмаларни нашр қилади. Тўғри, пулнинг бир қисмини нашриётга дорилфунун ҳамда жумҳурият Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги беради. Ҳозирча қоғоз етказиб бериш ҳал этилмаган бирдан-бир масала бўлиб турибди.

«ИЛ-86» ҲАМ ҚУНАДИ

● Наманган аэропорти учишларни тўхтатмасдан таъмирланади.

Бунинг учун қурувчилар анчагина иш қилишлари керак бўлади. Замонавий сигнал ускуналари ўрнатиш, учиш-қўниш йўлкасини кенгайтириш ва «кучайтириш» кўзда тутилган. Бу йўлкага барча турдаги авиалайнерлар, шу жумладан «Ил-86» самолётлари қўниши мумкин.

● *Депутат минбари*

ҲАҚИҚАТ ЭГИЛАДИ, АММО СИНМАЙДИ

Жумҳурият раҳбариятининг пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш масаласида тутган қатъий йўли ўз самарасини бераётир. Ўзбекистонда келаси йили пахта экиладиган майдонларни анча камайтириш, 1991 йилда етиштириладиган хом ашё миқдорини 300 минг тонна камайтириш режалаштирилаётгани кўпчиликка маъқул. 1990 йил пахта терими мавсуми мактаб ўқувчилари, талабалар ва шаҳарлик ишчи-хизматчиларсиз териб олингани ҳам ҳаммани хушнуд қилди.

Фарзандларимиз дарсларидан қолиб пахта теришарди. Халқимиз кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, заҳарланган ҳаво, сувни истеъмол қилиб, «оқ олтин» етиштириб, олган мукофотимиз ўзбекларнинг «пахта иши» деб номланди.

Ана шу фикримнинг далили сифатида бир-иккита мисол келтирмоқчиман. Чироқчилик ўн нафардан фарзандларнинг оталари, Охунбобоев номли совхознинг бўлим бошлиғи Нусратилло ака Бободанаев ва шу совхознинг пахта топширувчиси Эргаш ота Ирзаевларнинг эзилган, топталган, хўрланган оила аъзоларини эслатмоқчиман. Оталари қамалган даврни ва оталарининг тонг қоронғусида далага кетиб, ярим тунда уйга қайтиб, бола-чақа ташвишида элим-юртим, деб тиним билмай тунни-кунга улаб, меҳнат қилганларини кўз олдингизга келтиринг. Одатда халқнинг хазинасини бойитганлар эмас, унинг бошига кулфат ёғдирганлар бадном қилиниши керак эди. Ўша даврларда (1983-1986 йиллар) бир варакайига ҳамма пахтачилик хўжаликлари қўшиб ёзиш гирдобига гирифтор қилиниб, бирма-бир чийриқдан ўтказилди.

Ўйлаб кўринг-а, арзимас хатоингиз, янглишганингиз учун сўроқ қилишса, сизнинг ҳалол меҳнатингиз эвазига турмага тиқишса, алам қиладиган жойи шундаки, ўз дардингизни ўз она тупроғингизда, ўз тилингизда, сизни дилидан тушунадиган «сўроқчиларга» эмас, балки тилбилмас терговчиларга бошқа минтақаларда жавоб беришга мажбур қилишса! Оила аъзоларингиз уйларидан бир неча минг чақирим ерларда кетингиздан зорланиб қўним жойсиз, иссиқ овқатсиз сарсон-саргардон бўлса! Бир эмас ўнлаб, юзлаб оилалар дардини кимга, қайси эшикда тўкиб солишини билмаса! Бундан баттар бедодлик бўлмаса керак бу ёруғ дунёда. Айбсиз-айбдор бўлиб қолган Нусратулло ака билан Эргаш оталар Ўзбекистон ССЖ Олий суди томонидан айбсиз деб топилиб, барча поймол қилинган ҳуқуқлари тикланди. Энди уларга шу давр ичида тўланмаган маошлари юз фоиз қайтарилиши аниқ.

Яхшиямки, жамиятни қайта қуриш, ошкоралик, демократия даври келдиким, ўзбекистонликлар ҳам бундан баҳраманд бўлмоқдалар. Кези келганда шуни ҳам эслатиб ўтишга тўғри келади. Жумҳуриятимиз Олий Кенгаши қошида «пахта иш»ларини кўриб чиқиш комиссияси хайрли иш олиб бораётибди. Комиссия раисининг ўринбосари Абдусамад Полвонзода, Абдуқодир Сарабеков, Султонбой Бердиқиличев ва бошқаларнинг машаққатли меҳнати ўз самарасини берялти. Ҳозирча ушбу комиссия томонида «пахта иши» билан судланган беш мингга яқин кишининг иши ноҳақ деб топилиб, қайта кўрилаётибди. Қаранг-а, Чироқчи, Хўжайли ва Шуманай ноҳияларида судланганларнинг иши қайта кўрилиши натижасида жабрланганларнинг 80 фоизига яқини бутунлай оқланди.

Биз ўз ҳаётимизда жуда кўп гуноҳ ишларни қилиб қўйдик. Очиғини айтиш керак. Бобоколонларимиз бизга мерос қилиб қолдирган бутун бойлик — ер, сув, табиат, ҳаводан тортиб инсонийлик, поклик, софлик, ҳалоллик, мардликкача биз ҳаммасини келгуси авлодга асраб-авайлаб, ардоқлаб, яна ҳам гўзаллаштириб, мустаҳкамлаб топширишимиз зарур эди. Аммо биз нима қилиб қўйдик — ҳавони, мева-чева, қовун-тарвуз, ерни, инсонларни заҳарладик. Оролни қуритдик, оромни йўқотдик, ҳалолликка путур етказдик, одамийликни кўкка совурдик. Виждонсиз, беҳаёлар ҳам ичимизда топиладиган бўлиб қолди. Ҳаётимиз шу алпозда давом этадиган бўлса, биз келгуси авлодга «қиёмат-қойим» мерос қилиб қолдирадиганга ўхшаб қолган эдик. Лекин «ҳечдан кўра-кеч» деганларидек, жумҳуриятимизда сўнгги бир-икки йил ичида ўзгаришлар даври бошланди. Ҳаёт, турмуш қайта изга тушаётгандек бўлаётибти, минтақамизда умид чироқлари тобора ёришаётгандек туюлмоқда.

Киши аъзоларидан ҳар бирининг тақдири асосан унинг «бош»ига боғлиқ, агар шу «бош»га томдан ташлаш фикри келиб қолса, ҳамма аъзоларининг аҳволига вой. Аммо бир нарсани эсдан чиқармаслик керакким, ана шу «бош»ни асраш, авайлаш мана шу инсоннинг муҳофаза аъзолари зиммасига юклатилган. Евуздан ана шу бошни олиб қочаётган оёқларга мадорни юрак бериб турса, йўли кўз кўрсатади, сирпанганда қўл ушлаб қолади, қулоқ эса душманнинг яна қаёқлардан келаётганини англаб беради, қарангки битта бош ҳамма аъзони, ҳамма аъзо эса битта бошни асрайди. Мен депутатларимизни инсон танасининг муҳофаза аъзоларига, раҳбариятимизни эса «бош»га ўхшатгим келади. Шукурлар бўлсинким, бизнинг «бош»имиз шу кундаги ўзининг ҳаракатлари билан жумҳуриятимиз халқларини кулфатлардан, очликдан асрашга қодирким, ҳаммамиз бунинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Юқорида айтганимиздек «пахта иши» туфайли кўпгина хонадонларнинг шанига доғ тушди, фарзандларнинг, оталарнинг, аёлларнинг юзларига қора куя суртилди. Раҳматлар бўлсинким, жумҳуриятимизнинг Олий суди бу масалада олийжаноблик кўрсатаётибди. Бегуноҳ азоб чекканларни оқлашмоқда. Мен ўйлайманки, уларнинг бу хайрли ишларига тўғаноқ бўлаётганлар жумҳуриятимизда ва унинг ташқарисида ҳам топилади. Биз депутатларнинг уларга айтадиган битта гапимиз бор, ҳақиқат эгилади, букилади, аммо синмайди.

А. ҒУЛОММАҲМУДОВ,
Ўзбекистон ССЖ халқ депутати.

● *ВИЖДОНАН МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАНЛАР*

МАКТАБИМИЗНИНГ ЎЗ МИЛЛИЙ ҚИЁФАСИ БОР

Тошкент шаҳар Куйбишев ноҳиясидаги Тўхтамурод Умаров номли 99-мактаб мудири, ССЖИ халқ маорифи аълочиси Клара МАЪЗУМОВА билан суҳбат.

— Клара Тешаевна, ноҳия ижроия қўмитаси қарорига биноан мактабингизга «Миллий маданият маркази» номи берилганини эшитиб, суҳбатингизни олгани келдик. Бу янгилик Ўзбекистонимиз мактаблари орасида ҳозирча ягона шекилли. Табриклаймиз!

— Раҳмат! — деб камтарлик билан сўз бошлайди мудира. Унинг ўзини тутиши, сўзлаш маданияти ниҳоятда ибратли. Клара Тешаевнанинг талабчан, ишбилгич раҳбар эканлиги остонадаёқ билинган эди. Ҳаммаёқ озода, саранжом-сариштa. Ўқувчиларнинг кийинишида, саломида одоб бор. У давом этади. — Биз бугунги, эртанги кун ташвишида шу ишга қаттиқ киришдик. Мактаб — муқаддас даргоҳ, муаллим халққа, катта-кичикка ибрат кўрсатувчи буюк устоз. Демак, мактабимизда таълим олаётган авлод шу номга яраша бўлиб етишсин. Ана шундагина биз ўз бурчимизни оқлаган бўламиз.

Бундоқ ўйлаб қарасангиз, ҳаммамиз ҳам, айниқса болаларимиз ота-боболаримизнинг асл ўзбекона одоби, маданий анъаналари, урф-одати, минг бир хил ҳунари, қуйқўшиқлари, ўйинларидан, қисқаси ўз тарихимиздан узоқлашиб кетдик. Шунинг учун ҳам тарбия масаласида анчагина қийналиб қолдик. Биз юқорида айтганларимнинг ҳаммасини, албатта асосий фанларни ўқитиш билан бирга, ўргатишга киришдик. Ахир ўзлигини англаган, аввало ўз она тили-ю ёзувини, маданияти тарихини пухта билган, ўз халқининг одобу одатларидан, санъатидан хабардор бўлган кишигина жамият тараққиётига ҳисса қўша олади.

— Жуда тўғри қилибсизлар-да. Лекин бу ишларга каттагина куч-маблағ, яхши ўйланган дастур керак. Ўзи бўлмагандир ишни бошлаш?

— Ҳа, ўзи бўлмади. Ҳамма ишнинг бошланиши қунт, ғайрат, дадилликка боғлиқ. Биз энг аввало фаол, билимдон ота-оналар, ўқитувчиларимиз ва район халқ маорифи бўлими мудири билан бамаслаҳат дастур ва низом ишлаб чиқдик. Кейин атрофимиздаги «Ойдин» ва «Фирдавсий» маҳаллалари қўмиталарини, маҳалла масжиди домлаларини ёрдамга чақирдик. Бажонидил ёрдам беришяпти. Маҳалланинг уч жойида хона ажратиб, мадраса очиб беришди. Ўқувчиларимиз дарсдан кейин бориб домлалардан сабоқ тинглашади. Ҳа, сиз бу болалар билан гаплашинг, дилингиз яйраб, уларнинг келажагига катта умид боғлайсиз.

Биласизми, биз бу гал ҳатто сентябрнинг биринчи куни— билимлар байрамини ҳар йилгидан бошқача бошладик. Яъни масжиддан Абдуқодир домла келиб, бир соат маъруза қилдилар. Катталарга, айниқса, муаллимларга ҳурмат, ерга, сувга, нонга, китоб-дафтарга, ҳар бир жонивору дов-дарахтга муносабат хусусида шундай мазмунли, ҳаётий гаплар, воқеалардан айтдилар-ки, энг тўполончи ўқувчиларимизнинг ҳам қилт этмай тинглаганини кўриб, ўзим ғалати бўлиб кетдим.

— Маърузаларга, маҳалла мадрасаларидаги сабоқ учун пул тўланадими?

— Йўқ, савоб йўлида маҳаллаларимиз қўмитасининг, ота-оналарнинг ёрдами бу. Биз Тошкент маданият институти, Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси ва мусиқачилар жамияти билан шартнома тузганмиз. Ҳафтада уч марта маълум соатларда муаллимлар, санъаткорлар келишиб, дарс беришади, машғулотлар ўтказишади. Бу дарслар учун бошланғич синфларда куни узайтирилган гуруҳ ҳисобидан пул тўланади. Қолганига район халқ маорифи бўлими мутасадди. Мудиримиз М. А. Рабинович жуда тушунган одам, мактабимизга тез-тез келади, жуда катта ёрдам беряпти. Тўғараклар ривожи учун эса райижроқўм ўн минг сўм пул ажратди. Расамади билан ўрни-ўрнида ишлатяпмиз.

— Қандай тўгараклар бор?

— Матбуотчилар билан учрашувда Президентимиз айтдилар-ку бозор иқтисодиётига ўтганимизда халқимизнинг ўша қадимий ҳунармандчилигига, яъни қўлда ясалган ажойиб, нафис буюмлар савдосига ҳам кенг ўрин берилади, деб. Дурадгорлик, сандиқсозлик, тандирсозлик, заргарлик, дўппидўзлик, холвапазлик... Эҳ-ҳе, доно, эпчил халқимиз ҳунармандчилигининг санаб-саноғига етиб бўладими? Шунинг учун ҳам биз наққошлик, дурадгорлик, рассомлик, тикувчилик, каштачилик, фольклор, ўзбек халқ мусиқа асбоблари, рақс, жисмоний тарбиянинг чинақам халқ ўйинларидан иборат, жами 18 та тўғарак ташкил қилганмиз. Ўқувчиларимиз Алишер Навоий, Абдулла Қодирий ва бошқа адиблар таваллудларига, санъат байрамларига, Наврўзга бор маҳорат билан тайёрланаяпти. Бувижонлардан ажойиб лапарлар, қўшиқлар ўрганиб, тақинчоқларию, зебигардонларини, кийим-кечакларини кийиб келишадими-ей. Биз ҳам кийим-кечаклар, мусиқа асбобларини, ғарчи уларни ҳозир топиш қанча машаққат бўлсада, мингта идорага бош урриб бўлса-да сотиб оляпмиз.

— Ҳаммасига ўзингиз югурасизми ёки?

— Мактабимизга миллий маданият маркази номи берилганда эстетик тарбия бўйича мудир ўринбосари ўрни ҳам берилди. Илгор ўқитувчи Мавлудахон Солиҳовани тайинлаганмиз. Шу ишларга қизиқади ва билади. Яна хўжалик ишлари бўйича мудиримиз, барака топкур Маҳмуджон Йўлдошев ташкилотчи, ғайратли йигит. Йўқ нарсаларни ҳам излаб, топиб келади.

— Эски ўзбек ёзувини ўргатиш учун ҳам муаллим таклиф қилганмисизлар?

— Йўқ. Ўтган йили Тошкент Давлат дорилфунунининг шарқшунослик куллиётини битирган Саодатхон Жамолова бизга ишга келдилар, Саодатхон эски ўзбек ёзувини ва араб тилини ўргатяпти. Дарсларига кириб тураман, жуда яхши. Маданият институти ўқитувчиларининг дарслари ҳам жуда мароқли. Масалан, кеча рақс муаллими Эркиной Сандованинг дарсига кирдим. Учинчи синф ўқувчилари фарғонача рақсни шундай қизиқиб, чиройли ўрганишяптики, айниқса ўғил болаларнинг беғубор кўзларидаги завқ-шавқни кўриб ҳаммасини ўпиб-қучгим келди. Қани айтинг, шулардан келажакда ёмонлик чиқадими? Йўқ! Яна шуниси борки, ана шу жамоа ташкилотларидан келган муалимлар ўз соҳаларига, олий даргоҳларга талабалар тайёрлаб берадилар.

— Келаётиб, йўлакда кўзим тушди, муаллимлар учун ҳам машғулотлар борми, дейман.

— Ҳа, ўқитувчи бир умр ўқиса, ўрганса оз. Аввало биз ўқитувчилар ўз миллий тарихимиздан, маданиятимиз тарихидан, ибратомуз яшаган шахслар ҳаётидан деярли бехабармиз. Масалан, кечагина яшаб ўтган Чўлпон, Фитратлар ҳақида нима биламиз? Санъатшунослик институтига мурожаат қилгандик, адабиётшунос олима Дилбар Рашидовани юборишди. Дилбархон 9-синф ўқувчилари ва ўқитувчилар учун алоҳида машғулот олиб боряпти. Биз ота-оналар, айниқса ёш ота-оналар билан ҳам мулоқотни йўлга қўйганмиз. Ахир бола аввало оилада тарбияланади.

— Ҳа, ишлаганга иш топилаверади. Сиз ҳам дарс берасизми? Қайси фандан?

— Рус тили ва инглиз тилидан. Тошкент чет тиллар олийгоҳини битирганимгаям мана ўттиз йил бўпти. Меҳнатли йиллар...

— Клара Тешаевна, ҳали айттандингиз. Ҳар бир ўқитувчига, синф раҳбарига «Одобнома» дарси бириктирилган. Ўз фанига боғлаб, одоб дарсини олиб боради деб. Сизнинг зиммангизда ҳам бу вазифа борми?

— Албатта! — У самимий кулиб қўяди. — Мудира узу-кун одоб дарсини олиб бориши керак. Бир ярим минг ўқувчи-ю, етмиш нафар ўқитувчи билан. Лекин жиддий гап айтсам, менинг ҳам ўз дастурим бор. Дарсларимда кўпроқ ҳалоллик, ростгўйлик хусусида ҳикоятлар, ҳикматлар ва айниқса, ҳаётда кўрганим — кузатувларим асосида сўзлайман. Ҳар ҳолда қизиқиб тинглашади.

— Масалан... Қандай кузатувлар? Айтиш мумкинми?

— Айтаман. Масалан... 1982 йили Темур акамларни (Темур Ҳасанов қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, ўсимликларни ҳимоя қилиш институтида ишлайди) мутахассис сифатида Яман Араб Жумҳуриятига ишга юборишди. Албатта, эр қаерда бўлса — хотин шу ерда бўлиши керак, кенжамиз Умидни олиб мен ҳам кетдим. Каттатлари Гулнора ва Шуҳратжон бувилари билан қолишди. Аданда минг чақирим наридаги қишлоқда — Маккаи мукаррамага яқин Хадрамаут вилоятида яшадик. Етмиш даража иссиқ, қурғоқчилик. Биласизми, уч йил яшаган бўлсак, уч марта ёмғир ёғди, холос. Темур акам араб деҳқонлари билан бешта давлат хўжалиги ташкил қилдилар. Пахта, сабзавот. бодринг экишди. Араб деҳқонлари бодринг, помидорни теришганда бирон донасини ейишмайди ёки ўғирлашмайди, денг. Умуман у ерда ўғирлик йўқ. Иш тугагач, тегишли улушлари тарозида тортилиб, қўлларига берилгандан ўзларинки ҳисоблашади. Уларнинг ҳалоллиги, ҳисоб-китоб билан иш тутишлари ибратга лойиқ. Ўқувчиларимга шунга ўхшаш ўз кўрган-билганларимни гапириб бераман.

— Сиз у ерда нима иш қилдингиз? Араб аёллари билан дўстлаша олдингизми?

— Албатта. Биз улар билан дўстлашиб, кўни-қўшничилик қилдик. Тўйларга бордик. Ҳайит-намоз кунлари, 8-Март байрамларида улар қўлларига хино қўйиб, болаларини етаклаб чодрага ўраниб, бизникига келишарди. Уларда аёллар асосан уйда ўтиришади. Мен бўлсам ишсиз туролмадим. Хотин-қизлар кенгаши тузиб, аёллар билан мулоқот қилдим, баҳонада араб тилини ўрганиб олдим. Яна уйимда араб болаларига рус тилини ўргатдим. «Эй, мударриса, мударриса!» деб ҳеч изимдан қолишмасди. Кейинроқ алоҳида хона ҳам очиб беришди. Ўша ўқувчиларимдан ўн нафар йигит Москвага ўқишга келишди.

— Мактабга яқинда Тўхтамурод Умаров номи берибсизлар. Ким эди у киши?

— Устозимиз, Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган ўқитувчи эдилар. Шу мактабни қурдириб, кўп йиллар мудирлик қилганлар. Мен аввал ўқувчилар, кейин ҳамкасблари бўлдим. Ўнлаб, юзлаб шогирдлар етиштирганлар. Ана, мактаб ҳовлисидаги ўрикларни, чинорларни кўряпсизми, ўз қўллари билан ўтқазганлар. Жуда ҳаракатчан, тиниб-тинчимас эдилар.

— У кишидан кейин мудирликни сиз давом эттиряпсизми?

— Йўқ. Тўхтамурод Умаров етмиш иккинчи йилгача ишлаганлар. У кишидан кейин мактабимиз қўлдан-қўлга ўтавериб, ҳар хил ношуд раҳбарлар «бошчилигида» жудаям ночор аҳволга тушиб қолди. Арабистондан қайтгач, мен шаҳар халқ маорифи бўлимида ишлаб юрган эдим. 1988 йили 16 март куни мактабимиз ўқитувчилари жамоаси талабига кўра шу ўзим ўқиган, кўп йиллар ўқитувчи бўлиб ишлаган қадрдон мактабимизга сайлов йўли билан ҳамма бир оғиздан овоз бериб мудирликка сайлашди. Ишончдан руҳланиб, мана ишлаяпман...

Клара Тешаевна шу уч йил ичида қанчалар кўп заҳмат чекиб, раҳбарлик қилганини, ҳатто биронта деразаси жам бутун қолмаган мактабни тўла таъмирлаб, бўшашиб кетган тартиб-интизомга давомат танобини маромига келтириб олгунча қанча қийналганларини айтиб ўтирмади. У мактаб ишига кенг жамоатчиликни, ота-оналару маҳалла қўмитасини фаол жалб эта оладиган, мутасадди ташкилотлардан мактаб ҳақини ундириб ола биладиган, жонкуяр устозлар тиниб-тинчимас раҳбар экан-ки, камчиликларни тугатибгина қолмай, ютуқлар сари дадил боряпмиз. Хаёлларимни сезиб, суҳбатдошим давом этди:

— Мактабимизда яхши, ишбилгич, болаларни астойдил севадиган ўқитувчиларимиз жуда кўп. Машрабхон опа Жувонмардиева, Ҳолида Мираҳмедова, Маъмура Исоқова, Матлуба Ҳакимова, Пирнафас ака Абдуллаев, Қумри Абдуллаева, Озода Хайруллаева, Людмила Крючкова, Қадрия Иброҳимова, Маъсуда Эшмуҳамедова... Лолахон Абдуллаева билан Дилором Бегматовани ўзим ўқитганман. Ёнма-ён ишлаяпмиз. Яна кўп яхши ўқитувчиларимизни санашим мумкин. Мен ҳамма ишда шуларга суянаман, шуларга ишонаман. Фақат шу... мактабимизда синфхоналар етишмаслиги, ўқитиш-ўқиш борасида ўқитувчиларимиз янги дастурига интиқ эканликлари энг асосий муаммодир.

— Муаммо ҳал бўлишига, бошлаган қутлуғ ишларингизга ривож тилаймиз. Болаларнинг қалби оқ дафтарга монанд, дейдилар. Бу дафтарга сизлар нима ёзсангизлар келажакка шу қолади.

Суҳбатдош:
Санъат МАҲМУДОВА.

МЕҲНАТ ЖАМОАЛАРИДА

МОЛ ВА ПАРРАНДАЛАР УЧУН ЯНГИ ЕМ

Қаршидаги 10-нон маҳсулотлари комбинати шартнома асосида Қашқадарё хўжаликларига ем сота бошлади.

Ишнинг янги шакли жамоани фақат сифатли ем тайёрлашга рағбатлантирмоқда. Юксак унумдорлик билан ишлайдиган янги ускунанинг ишга туширилиши бунга ёрдам беради. Бу ерда ҳозирнинг ўзидаёқ Швейцариядаги «Бюллер» фирмасида ишлаб чиқарилган механизмлар ўрнатилган.

Ҳозир комбинатда омихта емнинг ўн икки турини тайёрлаш ўзлаштирилган. Ғўшт ва сут етиштиришга ихтисослашган паррандачилик фабрикалари, чўчқачилик комплексларию, қорақўлчилик давлат хўжаликлари ҳамда ўрдак боқишга ихтисослашган давлат хўжалиги учун озуқа махсус рецептлар асосида тайёрланмоқда.

●

«ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ» ДАСТУРИГА МУВОФИҚ

Ғиламлар, тикувчилик буюмлари — булар Боёвут районидаги Ленин номли жамоа хўжалигининг янги маҳсулоти. Бу ерда шундай моллар тайёрланадиган цехлар ишга тушди.

Буларнинг барчаси — пухта ўйланган ва изчиллик билан амалга оширилаётган «иш билан таъминлаш» дастурининг самарасидир. Бунда олдинроқ жамоа хўжалигида ғишт заводи ишга туширилган, у ўз маҳсулоти билан якка тартибда уй қурувчиларни таъминлай бошлаган эди. Тез орада эса бу ерда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади.

Яқин келажакда жамоа хўжалигида ишсизлик муаммоси бартараф этилади, маҳсулот ҳам, даромад ҳам кўпаяди.

●

МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Япониядаги «Сумитомо корпарайшен» фирмаси билан Бухоро вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси ўртасида ўзаро манфаатли алоқа ўрнатилди.

Шартномага кўра, шу йили Бухорога Японияда ишлаб чиқарилган автобуслар, кўтарма кранлар, қурилиш-монтаж ишлари учун мўлжалланган техника келади. Бунинг эвазига фирма қишлоқ хўжалик хом ашёси олади.

Бухоро деҳқончилик-саноат уюшмаси билан Туркиядаги фирмалардан бири ўртасида ҳам шунга ўхшаш шартнома тузилди.

(ЎзТАГ).

САЙЁРАМИЗ НАФАСИ

КАТТА ҲАРБИЙ МАШҚЛАР

● ҚОҲИРА. Мена агентлигининг Теҳрондан хабар қилишича, январь ойида Эрон армияси билан «Ислом инқилоби посбонлари» катта машқларни ўтказишади. Миср агентлигига маълум бўлишича, машқлар 11 январда бошланади ва Ироқ билан чегарадош районларда ўтказилади. Эрон ҳарбий вакилининг гапларига қараганда, машқлардан кузатилган мақсад «эҳтимол тутилган ҳар қандай хавф-хатарга қаршилик қилиш учун Эрон қуролли кучларининг жанговар тайёрлигини ошириш»дан иборат. Машқлар бир ойга мўлжалланган ва Эроннинг уч вилояти — Хузестон, Бахтарон, Иламни ўз ичига олади.

ТАНЛОВ МАН ЭТИЛДИ

Қоҳирадаги «Ал-азҳор» ислом дорилфунуни илоҳиётчи олимлари гўзаллик танловларининг ўтказилиши мусулмон дини нуқтаи назаридан тақиқланган, деган хулоса чиқардилар. «Ал-жумҳурия» рўзномасининг хабарига кўра, мусулмонлар учун мажбурий бўлган диний қоида — махсус фатво билан мутахассислар комиссияси бундай танловларда қатнашиш аёлларнинг қадр-қимматини таҳқирлайди, деб эълон қилди.

Шариат билимдонларининг таъкидлашича, шундай мусобақаларнинг «ажнабийлар расм қилган анъаналари» танловда қатнашувчи аёллардан танасининг анчагина қисмини ялонғоч кўрсатишни талаб қилади, мусулмон аёли эса ўз танасини эридан бошқа ҳеч кимга кўрсатмаслиги керак.

Шу фатвога мувофиқ «ислом дунёсининг пешвоси» бўлган Миср ҳудудида бундан буён гўзаллик танловларини уюштириш мумкин эмас.

ҚАРОРГОҲ ЁПИЛДИ

● ТУНИС. Араб давлатлари иттифоқининг Тунис пойтахтидаги собиқ қароргоҳи эшиклари ёпилди. Бу воқеа сешанба куни содир бўлди, бундан бир кун аввал эса араб давлатлари иттифоқининг раҳбар маҳкамаларини Қоҳирага кўчириш билан боғлиқ бўлган сўнгги ишлар тугалланган эди.

11 йил давомида араб мамлакатларининг мана шу энг катта ташкилоти Тунисда иш кўрди. У Мисрнинг Исроил билан сулх шартномаси тузиши оқибатида Мисрнинг иттифоқдаги аъзолиги тўхтатиб қўйилган пайтда — 1979 йилда Қоҳирадан шу ерга кўчиб келган эди. Ўтган йилнинг март ойида араб давлатлари иттифоқига аъзо бўлган мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг кенгаши иттифоқ котибиятини Миср Араб Жумҳурияти пойтахтига қайтариш тўғрисида қарор қабул қилган.

Қароргоҳ ўзининг анъанавий жойига қайтиб келди. Бироқ, маҳаллий сиёсий доираларда айтишларича, Тунисдаги бино бўш қолмайди. Унга учта ташкилот — араб давлатлари ички ишлар вазирлари кенгашини, араб радио эшиттириш иттифоқини, шунингдек араб давлатлари иттифоқи маориф, фан ва маданият масалалари ташкилотини жойлаштириш режалаштирилмоқда.

ДАСТЛАБКИ ОТИШМА

● ДЕҲЛИ. Янги йилнинг биринчи кунида Жамму ва Кашмир штатининг Пунч шўъбасида Покистон чегарачилари билан Ҳиндистон чегарачилари ўртасида бошланган отишма икки соат давом этди. ЮНИ ахборот агентлигининг хабар қилишича, отишма натижасида Кашмир водийсида яшовчи бир киши қаттиқ жароҳатланган. Ҳиндистон қўмондонлиги вакилларининг айтишларича, Покистон аскарлари Покистон ҳудудида махсус тайёргарлик кўрган бузғунчи жангарилларнинг Кашмир водийсига ўтиб олишига имконият яратиш учун ўч очганлар.

ЎЗИ ҲИБСДА БЎЛСА-ДА...

● ДАККА. Мамлакатнинг истеъфога чиққан президенти Х. М. Эршод бошчилик қилаётган Бангладеш миллий партияси 27 февралга тайинланган ялпи сайловда қатнашмоқчи бўлиб турибди. Собиқ бош вазир М. Р. Чоудҳури шу партия тарафдорларининг Даккадаги митингида сўзга чиқиб ана шуни маълум қилди.

Ҳозир ўз уйида ҳибсда турган Эршод сайловда қатнашиши ёки қатнашмаслиги маълум эмас. Ҳали унга аниқ айб қўйилгани йўқ. Маҳаллий телекўрсатувнинг хабарига кўра, полиция собиқ президент уйида ўтказилган тинтув вақтида рўйхатдан ўтказилмаган ўт отиш қуролини, кўп миқдордаги ажнабий валютани, қимматбаҳо заргарлик буюмларини топиб олиб мусодара қилган.

Эршод билан айни бир вақтда унинг ҳукумати даврида аъзолари ҳам қамоққа олинган. Бошқа 14 собиқ вазир қидирилмоқда.

(ТАСС).



Американинг ғарбий қисмида бўлганлар табиатнинг ўзи яратган ажойиб ҳайкалтарошлик асарини кўриб қойил қолади. Уни маҳаллий аҳоли «Наваҳо эгизакларн» деб атайди.

АДН—ТАСС сурати.

ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТИ: ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ ЙЎЛЛАРИДА

БЎРДОҚИБОҚАРЛАР

ГУЛИСТОН РАЙОНИДАГИ «ҚИЗИЛ ТОНГ» КОЛХОЗИГА ҚАРАШЛИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТАШКИЛОТЧИСИ УБАЙДУЛЛА САРИМСОҚОВНИНГ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

Бир қарашда бу оиланинг бошқалардан фарқи йўқ. Убайдулла аканинг ўн фарзанди — тўрт қиз, олти ўғли бор. Маматқосим оиланинг жонига оро кириб қолди. Йигирма бир ёшда. Белни маҳкам боғлаб, фермер хўжалиги ишига киришди. Оила бошлиғи Убайдулла Саримсоқов эса икки кам олтмишга кирдилар. Қишлоқдаги амбулаториянинг «Тез ёрдам» машинаси шофёри. У колхозда деярли чорак аср мобайнида шофёрлик қилди. Бир кун ишласа, икки кун бўш. Шунинг учун фермер хўжалигини юритиш имкониятига эга бўлди.

— Отадан беш ёшимда сағир қолганман, — дейди Убайдулла ака гап орасида. — Акам эса 1942 йили Улуғ Ватан урушида бедарак йўқолди. Бу ғам онамизни еб қўйди. У киши дард-аламдан чиқмай қолдилар. Биз ҳали ёш эдик, қарайдиган одам йўқ. Бунинг устига ўша йиллари яйловларимизда устма-уст қурғоқчилик бўлар, мол-қўйлар ҳам қирилиб кетмоқда эди. Ана шундай оғир пайтларда ҳукумат қарори билан Форишдан чўлга, мана шу ерга кўчирма бўлганмиз. Қаранг, ўшанга ҳам қирқ йил бўлипти...

Убайдулла ака оилалик бўлиб, кейин мол сотиб олган ўша йилларни ҳам хурсандчилик, ҳам қандайдир ички армон билан эслайди. Нега деганда, бир иборани тилга олди. Эмишки, деҳқон —деҳқон билан бир йилда, чорва эса чорва билан қирқ йилда юз кўришар экан. Тўғриси, бу ибора мазмунини мен бирданига илғаб ололмадим. Убайдулла ака бир воқеани айтиб бергандан кейингина тушундим.

Олтмишинчи йилларда улар эндигина фарзандлик бўлишиб, гўдаклари тетапоя бўлиб оёққа туриб кетгандан сўнг сигир оламиз, сутқатиқ, ёғ-каймоқ ўзимиздан чиқиб қолади, дея орзу қилиб юришган эди. Қишлоқдаги ҳар бир оила биттадан сигир, учтадан қўйдан ортиқ чорва моллари ушлашга ҳақи йўқ, деган қарор чиқиб қолди. Бундан кўпчиликнинг руҳи тушиб, юраги эзилди. Айниқса, ота-бобоси чорвадор ўтиб, умрини мол-қўй билан боғлаган, ўз ҳаётини жониворларсиз тасаввур эта олмайдиганларнинг руҳияти ва кайфиятини тасаввур этиш мумкин эди.

Шу тартиб жорий этила бошлагандан сўнг дастлабки пайтларда бирданига мол-қўйлар арзон бўлиб кетди. Тазйиқдан қўрққан одамлар ўз чорва моллари билан хайрлашар эдилар. Биров ортиқчасини бозорга олиб чиқса, биров ваҳимага тушиб уйидаги якка-ёлғиз моли, қўйини ҳам йўқотишга тушиб қолган эди. Катта миқёсда йўл қўйилган бу хато орадан кўп ўтмасданоқ ўз асоратини кўрсата бошлади. Қишлоқ жойларида мол, қўй, эчки ва бошқа чорва моллари кескин камая бошлади. Ўз навбатида гўшт, ёғ, сут, пишлоқ сингари кундалик зарур бўлган маҳсулотлар нархи тобора кўтарилар, энг ёмони, у нарсаларни топишнинг ўзи қийинлашиб борар эди.

Ниҳоят, олтмишинчи йилларнинг охири ва етмишинчи йилларнинг бошларига келиб, давлат яна одамларга мол-қўй боқишни кўпайтиришга рухсат берди. Лекин афсуски, энди одамлар мол-қўйсиз яшашга ўрганиб қолган эдилар, чорва моллари ташвишидан чиқиб қолгандилар. Шунинг учун бўлса керак, дастлабки пайтларда гап кўп бўлса-да, лекин амалий ишдан кам натижа кўринарди.

Мирзачўлнинг захкаш жойларида қўйлар касалликка тез чалиниб қоларди. Бунинг устига дори сепилган ердаги ўтларни еб, ё сув ичиб, бир кечада саккиз-ўн бош қўй нобуд бўлган пайтлар бўлди. Аммо шунга қарамай, Убайдулла ака оиласи гўштга топшириш учун бўрдоқи боқишга астойдил бел боғлади. Масалан, 1984 йил охирида 10 тоннага яқин тирик вазнда давлатга гўшт топширганларида кўпчилик бу оилани ҳурмат билан тилга оладиган бўлиб қолди.

Орадан икки-уч йил ўтгач, колхозга янги раис — ёш мутахассис Ўтбосар Абдиев келди. Унинг диққат-эътиборини ўзига тортган асосий масалалардан бири — шахсий хонадонларда чорва молларини кўпайтириш, улар маҳсулдорлигини ошириш бўлди.

— Сизнинг таклифларингизга розиман, раис ука, — деди Убайдулла ака. — Хабарингиз бўлса керак, оилам чорвасини қайтадан изга солиб олгунча анча-мунча азият чекди. Шукурки, бариси изга тушиб кетди.

— Марҳамат, қўлимиздан келганича оғирингизни енгил қилишга ҳаракат қиламиз.

— Илтимосим тўртта. Биринчи илтимос — ем-хашакдан камситмасангиз. Кечирасиз-ку, илгариги хўжайинларнинг бир одати бўларди: ваъдани берарди-ю, ижросига келганда ғирромлик бошланарди.

— Хашак, пичандан кўнглингиз тўқ бўлсин, сизга керагидан аъло қилиб етказиб берамиз. Лекин емга келганда, ростини айтай, аҳволимиз анчагина мушкул.

— Қуруқ хашак билан молни семиртириб бўлмайди-да.

Раис бир зум ўйланиб қолди. Сўнг қатъий қилиб деди:

— Майли, сиз учун емдан ҳам ёрдам бериш чорасини кўрамиз. Фақат баъзан давлат нархида топилмай қолса, кооператив нархда олиб турасиз.

— Бир ҳовлида йигирма-ўттиз, ҳатто қирқ бош бўрдоқи боқилгач, унинг остидаги гўнг чиқиндиларнинг қанча бўлишини тасаввур этарсиз. Чиқиндилар вақтида ҳовлидан олиб чиқиб кетилмаса, қўни-қўшилар олдида одам гуноҳкорга ўхшаб қолар экан. Иккинчи илтимосим — ёз ойларида бирикки ҳафтада, куз-қишда майли, ойига бир уйимдаги тўпланиб қолган гўнгнинг вақтида олиб чиқиб кетилишини ташкил қилиб берсангиз. Учинчиси — мол олиштопшириш, ем-хашак топишда машина-трактор керак бўлиб туради. Ишимиз тушиб қолган пайтларда ортиқча зориқтириб қўймасангиз.

— Булардан кўнглингиз тўқ бўлсин. Ҳаммаси айтганингиздек бўлади. Хўш, тўртинчиси нима эди?

— Тўртинчиси — битта тарози керак, раис ука. Кўп йиллик тажриба бусиз иш битмаслигини кўрсатяпти.

Раис унинг қўлига қўл ташлади. Ўша йилдан бошлаб Убайдулла аканинг ишлари юришиб кетди.

У. Саримсоқов хонадони 1988 йилга келиб давлатга 17 тонна гўшт сотди. Келгуси йили бу кўрсаткич 19 тоннага етказилди. Шундан сўнг тажрибали бўрдоқибоқар номи районда оғизга тушди. Мана, 1990 йил рекорд кўрсаткич — 20 тоннали марра эгалланди! Чорвадорлар сулоласининг довруғи ҳозир бутун вилоятга ёйилмоқда. Қўриқ воҳада мол боқиб, давлатга гўшт сотишда ҳозирча бу хонадон олдига тушадигани йўқ. Уни ҳақли равишда фермер хўжалигининг сардори, демоқдалар.

Ҳозир унинг уйидаги фермасида 40 бош зотдор бўрдоқи боқилмоқда. Йил охири-янги йилнинг бошида улар олдиндан тузилган шартномага кўра, гўштга топширилади. Оила аъзоларининг ҳам, колхознинг ҳам ишонгани ана шулар. Тажрибали бўрдоқибоқарнинг уйда мол боқиш «сир»лари ҳақида гап очганимизда Убайдулла ака сира хаёлга келмайдиган бир ўхшатиш қилди.

— Чорвадор бўлиб нон топаман деган одам уйидаги ҳар бир молга худди курортдагидек шароит яратиб бериши керак. Бўрдоқичиликда биринчидан, албатта зотли молни танлаш керак, иккинчидан, уни боқишга яхшилаб қишлик ва ёзлик жой қилиш лозим. Учинчидан, мустаҳкам емхашак омборингиз бўлсин. Тўртинчи ва асосий шартлардан бири — ҳар бош молни алоҳида эътибор ва меҳр билан яхшилаб парвариш қилиш керак. Шу оддий нарсаларнинг бирортаси етишмаса кўзланган маррага эришиш қийин. Мол тилсиз, лекин у ҳамма нарсани сезади. Сиз молга меҳр қўйсангиз, у ҳам сизга меҳр қўяди, уйингизга барака киритади...

Чорвадорнинг меҳнати оғир. Лекин ишни шундай йўлга қўйиш керакки, ўша оғир меҳнат уйдагилар, айниқса ёшлар, ўспиринларнинг меъдасига урмасин. Акс ҳолда уларнинг ишдан қўнгиллари қолади, одам ёшликданоқ меҳнатдан безиб, дангаса бўла бошлайди. Убайдулла ака шуларни ўйлаб, асосий ишларнинг барини эгалик қилиб қўйган. Масалан, молларнинг тагини тозалаш, гўнг чиқариш Ҳабибулло, Муроджон ва отанинг бўйнида. Ем-хашакни ўлчаб, вақтида бўрдоқиларга бериш Маматқосим, яна Ҳабибуллонинг вазифасига киради. Мактабда ўқишадиган Маҳмуд билан Муҳаммад акаларига кўмаклашадилар, холос. Уларни молнинг тагини тозалаш, гўнг, ахлат ишларига ўринтирмайдилар. Бўрдоқиларни суғоришни эса аёллар ҳам амалга ошира олганим йўқ, — дейди у режалари билан ўртоқлашар экан. — Аввало мол боқишни кўпайтириш учун ҳовлимиз торлик қилиб қолди. Хўжалигимиз раҳбарларига раҳмат, жой беришди. Чамалаб кўрсам, бизга 60 сотих атрофида ер бўлса етар экан. Колхоз қишлоқ четидан ўзнга янги ферма қурмоқда. Эски ферманинг бир четидан эса бизга молхона қуриш учун жой ажратиб берди. Колхознинг ўзидан 33 бош бузоқ сотиб олиб, ҳозирча, ўша жойнинг ўзида парвариш қиляпмиз.

Суратда: Убайдулла Саримсоқов оила аъзолари билан.

Б. ТЎРАЕВ туширган сурат.

Айни қиш чилласида жониворлар бундай емни роҳатланиб, танаси яйраб ейди, янада кўпроқ семиради. Кундузи эса бир маҳал пичан солинади. Булардан ташқари моллар ёз чилласида кунига уч маҳал чўмилтирилади, ювилади. Қиш чилласида эса емни илитиб бериш билан бирга ҳар куни бўрдоқилар тагига қуруқ чиқиндилар солиб, тозаланиб турилади. Шунингдек энг совуқ кунларда берилаётган ем миқдори ошириб борилади. Гўштга топшириш вақти яқинлашганда парвариш янада кучайтирилиб, ҳар қайси бўрдоқига бир марта берилаётган ем миқдори беш килограммданга етказилади. Парвариш жараёнида қишу-ёзин, ҳар беш кунда ҳар қайси бўрдоқи бир маротаба тарозига тушади. Уларнинг тақдири тарозида ҳал бўлади. Агар бўрдоқи семираётган бўлса, парвариш давом этаверади. Борди-ю семириши тўхтаса ёки кескин камайиб кетган бўлса сотиб юборилади ёки гўштга топширилади. Шундай қилиб, сотиб олинган бир-икки ойлик таначалар деярли 300 кун парвариш қилинади. Шу давр мобайнида моллар кунига 1000—1300 граммдан семиради. Йил охирига бориб бўрдоқиларнинг олди, яъни баракалиси 650—700 килограммга етади.

Энди парвариш жараёнидаги баъзи кирим-чиқимларини таҳлил қилиб кўрайлик. Хомчўтга кўра, молнинг бир килограмм семиришидан 2 сўм 88 тийин пул ишлаб топилади. Шундан 1 сўм 20 тийини ем-хашак, озуқага сарфланади, 1 сўм 60 тийини эса меҳнати эвазига оила хазинасига қўшилади. Демак, 40 бош сўким боқилаётган бўлса, кунига оила 55—60 сўмдан даромад олаётган бўлиб чиқади. Яхши семирган ҳар бир бош сўкимдан улар 900 сўмга етказиб фойда оладилар.

Оила аъзолари йилига 20 минг сўм атрофида даромад олмоқдалар. Убайдулла ака яқин йиллар ичида бу кўрсаткични икки баробарга ошириб, йилига давлатга тирик вазнда 40 тоннадан гўшт сотиш, оила даромадини эса 40 минг сўмга етказиш ҳаракатини қилаётир.

— Ҳозирча ўйлаб қўйган ишларимнинг ўттиз фоизини ҳам амалга ошира олганим йўқ, — дейди у режалари билан ўртоқлашар экан. — Аввало мол боқишни кўпайтириш учун ҳовлимиз торлик қилиб қолди. Хўжалигимиз раҳбарларига раҳмат, жой беришди. Чамалаб кўрсам, бизга 60 сотих атрофида ер бўлса етар экан. Колхоз қишлоқ четидан ўзнга янги ферма қурмоқда. Эски ферманинг бир четидан эса бизга молхона қуриш учун жой ажратиб берди. Колхознинг ўзидан 33 бош бузоқ сотиб олиб, ҳозирча, ўша жойнинг ўзида парвариш қиляпмиз.

Убайдулла аканинг режалари бу билангина чекланмайди. Янги жойда у арзон ва қулай иккита ферма қурмоқчи. Чамалашича, қурилиш харажатлари ўн минг сўмдан ошмайди. Ферма биноси битганидан сўнг бўрдоқиларни шу ерга кўчирмоқчи, унинг ёнида эса сутчилик фермасини ташкил этади. Айни пайтда 30 бош зотли сигир сотиб олиш ташвишида юрибди. Шундай қила олган тақдирда сут ҳам, сўқимга боқиладиган бузоқлар ҳам, ниҳоят бўрдоқилар ҳам ўзларидан чиқадиган бўлади.

— Давлатимиздан яқинда 30 минг сўм қарз олдим, — дейди фермер, — уни сигир сотиб олиш ва молхона қуришга ишлатмоқчимиз. Қарзни узоғи билан уч-тўрт йилда қайтарамиз.

Шу кунларда одамларни иш билан таъминлаш тез-тез тилга олинмоқда. Колхозда жами 676 хонадон бор, уларда 4842 киши истиқомат қилади. Хўжаликда 1991 нафар ишга яроқли одам яшайди, шундан жамоа хўжалигида 624 киши меҳнат қилади, холос. қолганларга меҳнат қилиш учун ўрин, имкон йўқ. Оқибатда 719 киши колхоздан четда ишлайди, 148 нафар аёл эса уй бекаси.

— Одамларгаям ҳайронсан, — дейди Убайдулла ака шу ҳақда гап борганда, — қишлоқда яшаймизку, лекин баъзи оилалар ҳеч бўлмаса бир бошдан сигир боқишмайди. Мол, қўй, эчки, товуқ бўлмаган уйда барака бўладими?

Рост гап! Маълум бўлишича, шу хўжалик жойлашган қишлоқ хонадонларида ҳаммаси бўлиб 850 бош қорамол, 672 бош қўй, 45 бош эчки, 17 та от, 1566 товуқ боқилаётган экан, холос. Беш мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган хўжалик одамлари учун бу жуда оз эмасмикан? Бу рақамлар қишлоқ аҳлининг деярли ярмидан кўпроғи мол-ҳол билан қизиқмаётир, деган хулосани кўрсатади.

Энди асосий гап одамлар юрагида чорвачиликка нисбатан сўниб кетган меҳрни, фаолликни уйготишда қолган. Жумҳуриятимиз Президентининг шахсий мол эгаларини ем-хашак билан таъминлаш тўғрисидаги Фармони одамларни чинакамига руҳлантириб юборди. Убайдулла Саримсоқов каби фермерларимизнинг ибрати шунинг меваси, албатта. Масалан, у киши яшайдиган «Қизил тонг» участкасида бешўн нафар қорамол, сигир боқаётган оилалар сони талайгина. Икки нафар оила эса сутчилик фермалари номини олди. Ажаб эмас, яқин ойлар, йилларда бундай фермерлик ҳаракатлари, биз орзу қилганимиздек, фалак ёзиб, томир отиб кетса.

Абдужалил УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мух. бири.

• Сўз саралаб—дил оралаб

НУТҚ ЖОЗИБАСИ

Нутқ маданияти ва сўз санъатига бўлган эҳтиёж кун сайин ортмоқда. Одамларга воқелигимизнинг турли-туман ҳодисаларини тушунтиришда ва ижтимоий қурилишимиз ғояларини сингдиришда сўзнинг аҳамияти катта.

Жумҳуриятимиз маданий ҳаётида бу масалага ҳали етарли эътибор берилаётгани йўқ. Нутқ ва сўз санъати устида ишлаш фақат артистларгагина хос бир машғулот деб тушунилади. Ваҳолонки, ҳаётимиздаги узлуксиз бўлиб турадиган сиёсий-ижтимоий ҳаракатларнинг иш қуроли ва уларнинг моҳиятларини очиб берувчи асосий омил бўлган сўз ҳамма кишилар учун ҳам зарурий бир қурол эканлигини таъкидлаб ўтишга тўғри келади.

Масалан, бундан бир неча йил муқаддам нутқ сўзлаш, маъруза қилиш, халқ олдида сўзга чиқишлар кам учрарди. Бугунги кунимизда эса сўзлаш жамият тараққиётида муҳим машғулотлардан бирига айланди. Ҳаёт ўзгарди, маданият ўсди, оммавий йиғинларнинг турлари ҳам кўпайди. Натижада омма ўртасига чиқиб гапириш, нутқ сўзлаш, қарор ўқишлар ҳам ҳар кунги машғулотимиз қаторига кириб қолди. Байрамлар, митинглар, сессиялар, ишлаб чиқариш мажлислари, илмий, ижодий, адабий кечаларнинг қайнаб турган ҳаётимизда узлуксиз бўлиб турищи маданиятнинг энг асосий дастаги бўлган нутқ санъати билан шуғулланишни тақозо қиляпти.

Сўз санъатининг машғулоти, аввало, инсоннинг сўзлаш аъзоларининг ишлаш қобилиятини яхшилаш, уларнинг соғломлигини таъминлаш, аъзолардаги сўзлашга халақит берадиган нуқсонларни йўқотиш учун қўлланиладиган машқлар воситаси билан бошланади. Сўзлаш аъзоларининг анатомик тузилишидаги бир-бирига боғлиқликни, уларнинг ҳаракат бирлигини техникага солиш учун ҳар бир сўзлаш аъзоси устида алоҳида-алоҳида машқлар олиб борилиши керак. Масалан, жонли сўзнинг ҳар бир товушда оғиздан чиқишини таъминлайдиган биринчи омил нафасдир. Нафас олиб, нафас чиқариш маълум техникага солинмас экан, катта нутқлар ва давомли ўқишларни ижро қилиш амри маҳолдир. Шунинг учун ҳам нафас олиш қоидаларини билиб олиш керак.

Нутқ санъатининг асосий қуролларидан яна бири овоздир. Ҳаётда инсон овозидек гўзал, ёқимли ва оромбахш товушлар бўлмаса керак. Инсон куйлайди ва сўзлайди, у гўзал, ёқимли товушлари билан одамларни мафтун қилади. Тарихда ўзининг жозибали, ёқимли, барқут овозлари билан кишиларни ҳайратга солган номият касб этади. Булар устида йиллаб олиб борилган меҳнат натижасида тарихдан ўрин олган машҳур воизлар, нотиқлар дунёга келган. Мисол учун овоз ишлатишда забардаст мутахассислардан машҳур Шаляпин, Булбул Мамедов, Ҳалима Носироваларни олсак бўлади. Овоз ишлатиш техникасини мукаммал эгаллаган усталардан, айниқса, ўзининг гўзал, ёқимли, кучли овози билан саҳнамизни туркиратган Аброр Ҳидоятовнинг нутқи ва сўзлаш техникаси бизлар учун мактабдир. Аброр Ҳидоятов классик асарлардан («Гамлет» ва «Отелло») каби уч-тўрт соатлаб давом этадиган спектакллардаги бош ролларни бемалол ижро этар эди. Унда чарчаш, толиқиш, ҳансираш ёки овозида ҳасталаниш каби ҳоллар бўлмас эди. Гамлет ва Отелло каби ролларни ижро этган европалик машҳур артистлар бир ижродан сўнг бир ҳафта дам олар экан.

Аброр Ҳидоятов эса ўн саккиз кун сурункасига қўйилган бу асарларда бирон кун ҳам дам олмасдан ўйнаган. Бу санъат оламида мисли кўрилмаган ягона ҳодиса эди. Овознинг кучини, силлиқлигини, жарангдорлигини, толиқмаслигини сақлаш учун доимий машқларни олиб бориш нотиқлар ва санъаткорларнинг асосий машғулоти бўлиши шарт.

Нотиқлар, лекторлар ёзувчиларнинг бирор асаридан сўзлар эканлар, аввало муаллифнинг услубини, руҳини яхши билиш керак. Асарнинг мазмунига кириб бормасдан, адиб фикр-мулоҳазаларини ўзлаштирмасдан, асардаги асосий ғояларга ёзувчи билан баб-баравар шерик бўлмай туриб, сўзлар эканлар, тингловчиларни ишонтира олмайдилар. Баъзан муаллифлар ижодий жараёнларда, илҳом тўфонларига қоришиб кетар эканлар, ажойиб фикрлар баён қилганларини ўзлари ҳам пайқамай қоладилар. Ана шундай пайтда рамзлар, сўз остидаги сўзларнинг маъно ва мазмунларини очиб бериш нотиқларнинг зиммасига тушади. Сўз усталари, нотиқлар, бир қанча хусусиятларга эга бўлишлари керак. Булардан кучли ирода, овоз, ички маҳорат, жозиба ва сўз усталиги талаб қилинади.

Ҳозирги замон тили билан XVIII ва XIX аср тиллари ўртасида, уларнинг шаклида ҳам, жумла тузилишида, сўзларнинг маъносида ҳам ва сўзларнинг айтиш шаклида ҳам катта фарқлар бор. Айрим даврларнинг адабиёт намуналарини солиштириб кўрилганда, бу фарқ яхши кўринади. Ҳар бир даврнинг тили, шу даврнинг ижтимоий ва иқтисодий моҳиятини акс эттиради. Шу билан бирга бир жамиятнинг ичида ҳам айрим ижтимоий гуруҳларнинг тилларида бир қадар фарқлар бор. Бу жараённи билиб олиш шартдир. Айниқса, жумҳуриятимизнинг иқтисодий ва сиёсий мустақилликка эришиши, ўзбек тилига давлат мақоми берилиши халқимиз тарихида жуда катта воқеа бўлди. Жумҳуриятимизда давлат тили ҳақидаги Қонун амалга оширилаётган бир даврда жонли сўзни, нутқимизни маълум савияга кўтаришни, халқ ҳузурига чиқиб сўзловчи шахсларнинг нутқ маданияти учун интилишига даъват қилар эканмиз, аввало, мактабларда, педагогика институтларида, тарих, фалсафа, ва адабиёт кафедраларида ифодали ўқиш ва нутқ санъатини ўргатувчи дарслар ўтилишини таъминлашимиз керак.

Муҳсин ҲАМИДОВ.

• Янги китоблар

Ҳаммаси бозор ҳақида

Ҳозирги даврда жамоатчилик орасида бозор муносабатлари масалаларини ўрганишга қизиқиш кучайиб кетди. Биз кейинги ойларда, «бозор иқтисодиёти», «бозор механизми», «бошқариладиган бозор» тушунчаларига ҳар қадамда дуч келмоқдамиз. Бировлар бозорни ҳадиксираб, бировлар бепарво, бировлар эса... кафтини кафтига ишқаб, мўмай пул тафтини сезгандай кутмоқда. Лекин кўпчилик бундай бозор фақат ҳалоллик, интилиш, тадбиркорлик, топқирлик билан тирик эканлигини ҳали тасаввур ҳам қилаётгани йўқ. Чин маънодаги бозор иқтисодиёти капитализм, эксплуатация ва ижтимоий адолатсизлик ҳам эмас.

Шуларни назарга олган ҳолда Ўзбекистон Қомуслар Бош таҳририяти «Бозор иқтисодиёти» деб аталган қисқача луғат-маълумотнома тайёрлади. Ушбу китоб шу кунларда босмадан чиқди. Китоб муаллифлари иқтисод фанлари доктори Нурислом Тўхлиев ва иқтисод фанлари доктори, профессор Аҳмаджон Ўлмасовлардир.

Ўзбек тилида биринчи марта яратилган мазкур луғат-маълумотномада бозор иқтисодиётига доир 400 дан ортиқ тушунча ва атамаларга шарҳ берилган. Мақолалар бозор иқтисодиётини шакллаштириш тартиб-қоидалари ва унга хос қонуниятлар, ҳодисалар, халқаро бозор масалалари, шунингдек бозор иқтисодиёти билан боғлиқ бўлган халқаро уюшмалар, банклар, ташкилотлар ҳақида атрофлича, чуқур маълумот беради.

Мамлакатимиз иқтисодий ҳаёти ва ҳар биримизнинг кундалик турмуш тарзимиз учун бозор иқтисодиёти ҳали «очилмаган қўрқ»дир. Иккинчи томондан, бозор иқтисодиёти жаҳон тарихида ўз ўрнига эга бўлган амалиёт ҳамдир. Бу амалиётнинг эса кўп асрлик тараққиёт тарихи ва юзага келган ўзига хос илми борки, бу илм асосларини ўрганмай туриб, бозор иқтисодиётини ўзлаштириш, эгаллаш ниҳоятда қийинчилик туғдиради.

Шубҳа йўқки, мазкур китоб ана шу илмни ўрганишимизга оз бўлсада ҳисса қўшади. Китоб охирида бозор иқтисодиётида кўп қўлланиладиган 300 га яқин атамаларнинг русча-ўзбекча луғати ҳам берилган.

С. ХОЛНАЗАРОВ,
«Бозор иқтисодиёти» луғат-маълумотномасининг масъул муҳаррири.

Диққат: янгилик

«Ғамхўрлик» саломатликни таъминлайди

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, ўтган 1990 хўжалик йилида Жиззах вилоятида илк бор 102 миллион сўмдан зиёд фойда олиниши кўзда тутилмоқда. Вилоятда бошланган «Ғамхўрлик» операциясидан мақсад ана шу улкан бойликни яратган меҳнаткашлар саломатлигини мустаҳкамлашдир. Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими янги йилнинг биринчи чораги якунлангунга қадар дала меҳнаткашларнинг 80 фоизини тиббий кўрикдан ўтказишни режалаштирган. Айни пайтда вилоят, шаҳар, ноҳия шифохоналарида 300 та махсус ўрин ажратилиб,кўрикда бемор деб топилган меҳнаткашлар даволанмоқда. Ғаллаорол, Фориш, Мирзачўл ноҳияларидаги вилоят физиотерапия шифохоналарида эса тўрт ой мобайнида қўриқ ноҳияларнинг механизаторлари ва чорвадорларидан 500 киши саломатлигини тиклайди. Шунингдек, жумҳурият ихтиёридаги даволаш ва дам олиш муассасаларининг йўлланмаларини асосан пахтакор ва механизаторларга бериш мўлжалланяпти. Кўчма даволаш ва тиш қўйиш қурилмаларн ёрдамида жами 600 дала ишчисига сунъий тиш қўйилади. Меҳнаткашларнинг учдан бир қисми тилла тишларга эга бўладилар.

— Дала меҳаткашларини тиббий кўрикдан ўтказиш жараёнида уларнинг хоҳиш-истаклари ва саломатликларига қараб жумҳурият, Иттифоқдаги дам олиш ва даволаш масканларига боришларини тавсия этяпмиз, уларни керакли ҳужжатлар билан таъминлаяпмиз, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг ўринбосари Қувондиқ Раззоқов. — Шунга қараб касаба уюшмалари йўлланмалар билан таъминлаяпти.

Дарвоқе, Жиззах пахта тозалаш заводи, Арнасой ноҳияси Ворошилов номли давлат хўжалиги профилакторийлари, Зоминдаги оналар ва болалар, Гагарин шаҳридаги балчиқ билан даволаш масканларига пахтакор ва механизаторлар йўл олдилар.

Касаба уюшмалари вилоят кенгаши пахта йиғим-теримида қатнашган аҳоли учун 1300 та йўлланма ажратди. Вилоятдан жўнайдиган «Саёҳат» ва «Дўстлик» поездларида минглаб кишилар Иттифоқ шаҳар, қишлоқларини айланиб келадиган бўлди. Ҳар бири 300-350 сўм турадиган бу йўлланмалар харажатини давлат хўжаликлари ва касаба уюшмалари ўз зиммасига олмоқда.

Касаба уюшмалари вилоят кенгаши, соғлиқни сақлаш бўлими ва комсомол қўмитасининг «Ғамхўрлик» операцияси ташаббуси вилоят партия қўмитасининг бюро мажлисида қўллаб-қувватланди, — дейди вилоят партия қўмитасининг котиби М. Умаров биз билан суҳбатда.

Партия қўмиталари ва бошланғич партия ташкилотларига бу муҳим тадбирнинг уюшқоқлик билан ўтказилишига ҳар томонлама қўмаклашиш вазифаси топширилди.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони мухбири.

КАШФИЁТ ФОЙДАСИ 9941 СЎМ

«Самарқанд» деҳқончилик саноати комбинатига қарашли таъмирлаш ишлаб чиқариш корхонаси хўжаликларга техника хизмати кўрсатишда ходимларнинг ижодий ташаббускорлигини оширишга алоҳида эътибор бераётир. Чопиқ тракторларининг юраги ҳисобланган мотор таъминоти таҳчиллиги ҳисобга олиниб, бу ерда янги цех очилди ва камёб эҳтиёт қисмни таъмирлаш йўлга қўйилди. Йил давомида 90 та Д-144 марнали бузуқ мотор цехда қайта тикланиб, ҳаётга йўлланма олди.

Шунингдек, трактор таъмирлаш устахонасида иўлгина турдаги эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги ҳам ҳисобга олиниб, 72 номдаги иўлбола механизмлар эскирган эҳтиёт қисмлар ҳисобига ясалиб, қайтадан фойдаланилмоқда.

Ана шу ижодкорларнинг изланиши туфайли ўтган йили ЧКН-1 деб номланган чизел яратилди. Янги чизел ҳайдов тракторлар кириши қийин ва ноқулай бўлган тоқ, боғ, сабзавот экинлари қатор оралариг МТЗ ҳамда Т—28 Х—4 чопиқ тракторларига тиркалган ҳолда сифатли ишлов бера оладн. Бу кашфиёт йилига корхонага 9941 сўм иқтисодий самара келтиради.

Ғаллаорол районидаги Карл Маркс номли совхозда чўпонлар номи ҳурмат билан тилга олинади. Шундай чўпонлардан бири Райим Зубайдуллаевдир.

ЯЙЛОВ БАҲОДИРЛАРИ

МУАММОЛАР ҚАЧОН ҲАЛ ЭТИЛАДИ

Бош чўпон 1990 йили отаридаги 670 бош қўйнинг ҳар юз бошидан 110 тадан қўзи олди. Айни пайтда қишловга ҳозирлик юмушлари ҳам ниҳоясига етказилди. Отарни қишловдан беталофот олиб чиқиш учун пухта замин тайёрланди. Ем-хашак ортиғи билан жамғарилди. Шунингдек, қўра-қўтонлар ўз вақтида ремонт қилинди. Артезиан қудуқлар яна бир бор таъмирланди.

Бироқ яйлов баҳодирларининг шароитини яхшилаш борасида қандай тадбирлар кўриш керак, шуниси қоронғу. Бу саволга чўпоннинг ўзидан жавоб олдик.

— Совхозимизда 200 га яқин чорвадор меҳнат қилади, — дейди Р. Зубайдуллаев. — Биз дам олиш кунлари ва байрамларда ҳам яйловда бўламиз. Чўпон меҳнатини қадрлайлик, улуғлайлик деган сўзларни деярли ҳар куни эшитиш мумкин, амалда-чи? Чўпонлар кунига олти-етти соат эмас, кўпроқ меҳнат қилади. Ҳақ белгилашда эса бутунлай ўзгача манзара. Шундай бўлгач, аҳолли қулай иш шароити яратиш, дурустроқ меҳнат ҳақи тўлаш ҳақида чуқурроқ ўйлаш вақти етди. Қачонгача чорвадорларга алмисоқдан қолган ўша эски кўрсатмалар бўйича ҳақ белгиланади. Ҳозирги кунда чўпонларни ташвишлантираётган муаммолардан бири дурустроқ шароит яратиш, дам олишни яхшилаш ва моддий манфаатдорлигини оширишдир.

Замон, талаб ўзгариб боряпти. Ҳар ишда қайта қуриш сезилмоқда. Шундай экан, ҳаёт тўлқинидан ажралиш қўлмак сувдай қуриб қолиш билан баробар эмасми? Чўпонларнинг меҳнат отпускаси қатъий жадвал асосида белгиланиши зарур. Шунингдек, суткалик иш соати, дам олиш ва байрам кунларидаги меҳнати ҳам моддий жиҳатдан тақдирланиши керак. Бошқа соҳадаги кишилар ўз дам олиш уйлари, дала ҳовлилари, санаторийлари, болалари учун пионер лагерларидан фойдаланадилар. Чўпон ва унинг фарзанди учун бундай имтиёзлар йўқ. Хўш, унинг дардини ким тинглайди? Муаммоларни ким ҳал қилади?

Деярли ҳамма отарларнинг ёнгинасида чўпонларнинг пастқам уйлари қурилган. Аслида ўша уйни уй деб айтишга тил бормайди. Пастқам, ним қоронғи биноларда чўпонлар ноиложликдан яшашади. Ў ердаги қизил бурчакда рўзнома ва жаридаларнинг эски тахламлари нормигагина қўйилади. Бу «катталарга» кўрсатиш учун қўйилади. Бу муаммолар биргина совхозимиз ёки районимиз учунгина тааллуқли эмас. Балки вилоятимиздаги барча чўпонлар ҳам ҳаётини шундай ўтказишади. Бу билан мен касбимдан нолиётганим йўқ. Аксинча ўз касбим билан фахрланаман. Лекин шароитимиз ёмонлигидан бироз ўксинаман, холос.

Назаримда, бутун чўпонлик касбига ёшларнинг ётсираб қараётганликларига асосий сабаб — шароитнинг ёмонлиги. Жумҳуриятимизда боғбонлар тайёрлаш мактаби ва курслари мавжуд. Наҳотки вилоятимиздаги қишлоқ хўжалик техникумлари қошида ақалли чорвадорлар тайёрлайдиган курсларни очиш мумкин эмас?

Дарҳақиқат, Райим ака ҳақ. Серқуёш ўлкамиз нафақат ширин-шакар мева етиштирувчи боғлар макони, балки олтинга тенг қоракўл терилар, олий сифатли жун ва гўшт етиштирувчи чорвадорлар диёри ҳамдир. Албатта, кундалик талаб ва эҳтиёж ошиб бормоқда. Иқтисодий тангликдан тезроқ чиқиш учун жуда бўлмаганда касб-корининг сир-асрорларини пухта билиш талаб этиляпти. Шунинг учун ҳам ўқиш, ўрганиш, ўз касбини мукаммал эгаллаш учун муҳим омил керак. Шу жиҳатдан қараганда чорвадорларнинг талаб ва истакларини ўрганиб, муаммоларни тезроқ ҳал қилиш учун бутун эътиборни қаратмоқ керак, деб ўйлаймиз.

К. МУСАМУРОДОВ.

Хоразмдан дараклар

Ростов-Дон билан Урганч ўртасида янги саёҳат йўли очилди. Ростовликлардан 160 киши қўҳна Хоразмнинг меъморий ва археологик жиҳатдан диққатга сазовор ерларини келиб кўриш бахтига муяссар бўлдилар. Ростов саёҳатлар шўъбаси билан «Хоразмтурист» ишлаб чиқариш саёҳат базаси ўртасида тузилган ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома туфайли ана шундай имконият туғилди.

* * *

Огаҳий номли Хоразм ўзбек мусиқали драма ва комедия театрининг ёш ижодкорлари таътил кунларида болаларга кўрсатиш учун бир неча спектакль тайёрлашди. Ёш артистлар, хонандалар, мусиқачилар биргалашиб қўғирчоқ театри труппасини ташкил этишди. Болалар хоразмлик муаллифларнинг «Яхши ва ёмон», «Сеҳрли эчки боласи», шунингдек Пушкининг «Олтин балиқ» асарлари асосида саҳналаштирилган спектаклларини томоша қиладилар.

(ЎзТАГ).

Орол муаммоси «Совет Ўзбекистони» назоратида

«Бухарааралстрой» трести бошқарувчиси А. К. Чўлиев ишхонасига кириб борганингизда, ҳаммадан бурун назарингиз деворга осиғлик харитага тушади. Унда Қизилқумни иккига ажратиб, Оролгача чўзилган улкан магистрал коллекторнинг асосий қисми лойиҳа чизиқлари бор, холос, Амударёнинг ўнг соҳили бўйлаб денгизгача юзлаб километр саҳро бағрини тилиб борадиган Шўрдарё дунё мелиорация қурилишида мисли кўрилмаган иншоотдир.

Мазкур иншоотни қуришдан мақсад — Амударё сувини Зарафшон воҳасида ҳозир унга ташланаётган оқава сувлардан тозалаб, минтақадаги экологик вазиятни соғломлаштириш ва Орол денгизига тегишли ризқини қайтариб беришдан иборат. Ўнг соҳил коллектори деб аталган бош сув ташламасфоқ ва жумҳурият ҳукуматига кўп марталаб қилинган мурожаатлардан кейин масала ижобий ҳал қилиниб, молиявий таъминотга йўл очиб берилди, трест жамоаси бўйнидаги оғир юкдан қутилди.

Қурилиш учун молиявий таъминот ҳисоби очилгани билан барча муаммолар ҳал

ДЕНГИЗ РИЗҚИ

синнинг барча — етти юз километрлик масофаси фойдаланишга топширилгач, ҳар йили ўнлаб куб километр шўр сувларни денгизга оқизиш мумкин бўлади. Ҳозирча бу сувлар саҳрода ҳосил бўлган сунъий кўлларга ёки Амударёга ташланмоқда.

Ҳамма гап шундаки, кейинги ўн йилликларда амалга оширилган ирригация қурилиши зарур мелиорация тадбирлари билан мустаҳкамланмади. Бутун бир минтақа оқава сувлари ундаги заарли гербицидлар билан бирга Амударёга ташланди. Бу эса дарёдаги сувнинг минераллашув даражасини кескин ошириб юборди. Айни маҳалда дарёга оқизилаётган оқава сувларнинг йиллик ҳажми (айрим маълумотларга кўра) 18 миллион кубометрни ташкил қилмоқда.

Айниқса, Қашқадарё вилояти экинзорларининг Султондоғ кўли орқали Амударёга ташланаётган зах сувлари унинг қуйи минтақасида истиқомат қилаётган аҳолига қимматга тушмоқда. Бухоро вилояти ва қардош Туркманистон жумҳуриятининг қўшни Чоржўй вилояти сув кўтариш иншоотлари мана шу ташламадан 30 километр қуйида жойлашган...

Кейинги ўн йилликда Қашқадарёда янги ерларнинг кенг миқёсда ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилиши туфайли қуйи минтақаларда вазият мураккаблашмоқда. Бухоро воҳасининг қуйи қисмидаги туманлар (ноҳиялар)да экинзорларнинг мелиоратив ҳолатига путур етиб, аҳоли ўртасида ошқозон-ичак касалликлари кўпаймоқда.

Эндиликда экологик вазиятни соғломлаштириш учун оммавий ҳаракатнинг кучайиши туфайли аҳволни тузатишнинг аниқ чора-тадбирлари кўрилмоқда. Қурилиш бошлангандан буён иншоотда 60 миллион сўмдан зиёд капитал маблағ ўзлаштирилди. Айниқса, «Аралводстрой» бирлашмаси ҳузурида «Бухарааралстрой» трести ташкил қилингандан кейин бу ишлар кўлами яна ҳам салмоқли даражага етди. 1990 йилда трест милиораторлари 15 миллион сўмлик иш бажаришди.

Бироқ кейинги бир ярим йилда молиявий таъминотдаги айрим ишкалликлар оқибатида барча қурилиш харажатлари банкдан олинган қарз эвазига қопланди. Иттификланди, деб айтиш қийин. 1990 йилнинг 16 октябрида жумҳурият Вазирлар Кенгашида барча манфаатдор ташкилотлар иштирокида бўлиб, ўтган йиғилишда Ўнг соҳил коллектор қурилишини лойиҳа-смета ҳужжатлари билан таъминлаш, бажарилаётган иш ҳажмини кенгайтириш мақсадида Бухоро ва Қашқадарё вилоятларидаги йирик ирригация ташкилотларини ишга жалб этиш тадбирлари кўрилди.

Айни маҳалда Бухоро вилояти ижроия қўмитаси билан жумҳурият Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги қабул қилган қўшма қарорга мувофиқ, барча моддий-техника ва ишчи ресурсларини мазкур қурилишга жалб этиш чоралари кўрилди. «Бухарастрой», «Навоиводстрой» трестлари, Бухоро аграр -қурилиш бошқармаси ва «Каршистрой» бирлашмасига мазкур иншоотга тааллуқли ёрдамчи пудрат ишларини адо этиш топширилди.

Эндиликда бош пудратчи ташкилотнинг раҳбари сифатида трест бошқарувчиси А. К. Чўлиевнинг ҳам ташвиши кўпайиб қолди. Янги йилдан бошлаб зарбдор иншоотда иш ҳажмини 2-3 баравар ошириш кўзда тутилган. Бухоро вилояти ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Н. М. Карякин раҳбарлигидаги қурилиш штаби юксак бунёдкорлик маромини таъминлаш тадбирларини кўрмоқда.

Ҳозирча бундай маромни «Бухарааралстрой» трести меҳнат жамоаси таъминлаяпти. Биз қурилишнинг турли пикетларида бўлганимизда бунга тўла ишонч ҳосил қилдик. Бухоро, Олот ва Қоракўлдаги кўчма механизациялашган колонналар жамоалари ишни вахта усулида ташкил қилиб, катта ҳажмдаги тупроқ ишларини амалга оширишмоқда. Шароф Шарипов, Неъмат Меҳмонов, Александр Журавлев, Фирдевс Жепперов, Александр Сингелевич сингари моҳир механизаторлар техникани юксак унум билан ишлатишмоқда.

Келгусида худди шундай суръатни биз қурилишнинг бошқа участкаларида ҳам кўришни истар эдик. Орол кутиб ўтирмайди. Денгизга тезроқ ризқини қайтармоқ лозим.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



ТУЯМЎЙИН—УРГАНЧ ҚУВУР АРИҒИ

Бунёдкор қурувчи ва монтажчилар меҳнати шарофати билан Туямўйин сув омборидаги обиҳаёт Хоразм вилояти пойтахти Урганч шаҳри томон оқа бошлади. Сув ўтказгич иншоот (водовод)нинг биринчи навбати ишга тушиши билан урганчликлар тоза ичимлик сувдан баҳраманд бўлмоқдалар.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳар кеча-кундузда шаҳар аҳолисига 100 минг куб метр тоза ичимлик сув келиб турибди. Туямўйин-Урганч сув ўтказгичи тўла фойдаланишга топширилгач, унинг қуввати икки ҳисса ортади.

Суратларда: 1. Станциянинг сергайрат машинисти Баҳодир Алимов иш устида. 2. Сув ўтказгич иншоотнинг 1-насос станцияси.

Қ. ОТАЕВ (ЎзТАГ) олган сурат.



«Совет Ўзбекистони» рўзномасининг шу йил 20 октябрь сонида «Пахтакор, сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?» рукуни билан эълон қилинган «Қишлоқ оқшомлари» сарлавҳали мақолада Қашқадарё вилоятида дала меҳнаткашларига маданий-маиший хизмат кўрсатишдаги нуқсонлар таъкидланган эди.

Хусусан, мақолада қуйидаги сатрлар ҳам бор эди. «Ульянов районидаги етти минг аҳоли яшайдиган Комилон қишлоғида бундан икки йил бурун маиший хизмат кўрсатишни ташкил

• Акс-садо

КИМНИ ЧАЛҒИТЯПСИЗ?

Ёки таҳририятга йўлланган «антиқа жавоб» хусусида

этиш мақсадида 168 минг сўмга шинамгина иморат қурилган эди. Бинонинг бир қисми ҳаммом учун ажратилди, унинг бир бурчагида сартарошхона ишлаб турибди. Бошқа маиший хизмат кўрсатиш турлари йўқ. «Москва» совхозида эса маиший хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари ҳалигача ташкил қилинмаяпти».

Бироқ бу гаплар вилоят маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи С. Ниёзматовага ёқмаган кўринади. У редакцияга йўллаган хатида хусусан шундай дейди: «Мақолада тилга олинган Комилон қишлоғи марказидаги икки қаватли (аслида бир қаватли М. К.) бино маиший хизмат уйи эмас, балки 1988 йилда 168 минг сўмлик лойиҳа бўйича қурилиб фойдаланишга топширилган ҳаммомдир.

Бинонинг бир хонаси сартарошхона ва яна бир хонаси «зангори экран» устахонаси учун ижарага берилган. Бошлиқ «зангори экран» устахонаси қарийб бир йилдан бери ишламаслигини аниқ билмас экан, оқ қоғозни нега қоралайди деган ҳақли савол туғилади.

Буниси-ку майли-я, жавобнинг давомида бошқа таажжубланти радиган қизиқ гапларни ҳам ўқиймиз: «Ўртоқ муҳаррир! Биз Ульянов ноҳиясида маиший хизмат кўрсатиш аъло даражада ташкил этилган, деб айта олмаймиз. Лекин бошқа ноҳиялар билан таққослаганда ульяновликлар маиший хизмат кўрсатишдан мамнун».

Ваҳолонки, районда 95 мингдан зиёд аҳоли бор. Жон бошига бир йилда 11—12 сўмдан хизмат тўғри келяпти. Бу ҳам асосан автомобилга техник хизмат кўрсатиш ва «Техсложбытприбор» ҳиссасига тўғри келмоқда. Ўтган ойлар мобайнида тикувчилик бўйича топшириқ 78,3 фоиз, пойабзал тикиш бўйича 11,5 фоиз, сураткашлик бўйича 62,5 фоиз, сартарошлик бўйича 97,6 фоизга бажарилганлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

Шунингдек, кундалик энг зарур хизматдан бири — соатсозлик устахоналари район марказида бор, холос. Хўжаликларда эса йўқ. Пойабзал ремонти устахонаси «Москва», «Партия XXIV съезди», «Пахтакор», «Наврўз» совхозларида ҳалига қадар ташкил этилмаяпти. Кўп хўжаликларда тикувчилик, кийимларни кимёвий усулда тозалаш цехлари ва қабул пунктлари йўқлигидан наҳотки бошлиқнинг хабари бўлмаса? Биз «Пахтакор», «Партия XX съезди», «Наврўз» совхозларида бўлганимизда муштарийлар маиший хизмат ишидан норозиликларини баён этишган эди. Хўш, «ульяновликлар маиший хизматдан мамнун» деганда бошқарма бошлиғи кимлар номидан гапиришга ваколат олган экан?

Жавоб хатининг давомида яна шундай мужмал жумлалар бор: «Мухбир маиший хизмат кўрсатиш ходимлари билан учрашмаган, ҳатто ўша танқид қилган жойни ўз кўзи билан кўрмаган, юқоридаги тилга олинган фактлар «Москва» давлат хўжалиги Комилон қишлоқ Совети раиси хонасида ҳал бўлган». Ана, холос. Бошқарма бошлиғи ўртоқ С. Ниёзматова бу даъволарни нималарга асосланиб айтяпти. Мақола автори аслида жойни ноҳия партия комитети котиби Ҳ. Бердимуродов, «Москва» совхози директори Ж. Тоштемиров ўртоқлар иштирокида бориб кўрган.

Афтидан ўртоқ С. Ниёзматова эса халқимизнинг «Соғга қараб тўн бичма» деган мақолини унутган ҳолда таваккалига иш тутиб, рўзномани ва унинг ўқувчиларини ўзича чалғитмоқчи бўлганга ўхшайди. Каттагина нуфузли ташкилот раҳбари рўзноманинг танқидий чиқишига юзаки муносабатда ёндашганлигини яна қуйидаги фактлардан ҳам аниқлаб олиш мумкин:

Рўзномадаги мақолада «Қўриқ Баҳористон районидаги В. И. Ленин номли совхознинг марказий қўрғонида икки қаватли маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриб фойдаланишга топширилганда, чўлқуварлар эрта қувонишган экан. Кўп ўтмай тикувчилик цехлари, сартарошхона, радио, телевизор устахонаси ҳам ўз фаолиятини тўхтатди» деган сатрлар бор. Лекин бу ҳақда жавобда бир оғиз ҳам гап тилга олинмаганлиги ажабланарли.

Биз жавоб юзасидан яқинда вилоят маиший хизмат кўрсатиш бошқармасида бўлдик. Бошлиқ ўқишда эканлиги учун у билан учрашишнинг иложи бўлмади. Мақола фактлари билан шуғулланган ,бошлиққа мужмал жавоб тайёрлаган бошқарма муҳандиси Фозил Турсунов билан суҳбатлашишга тўғри келди. У жавоб билан боғлиқ дастлабки ҳужжатларни кўрсата олмади. Чуқур текшириб ҳужжат тайёрламаган бўлса, нимани ҳам кўрсатсин.

Очиғи, Ф. Турсунов масалага жуда енгил-елпи ёндашган. «Мухбир келмаган, учрашмаган» деган сўзларни Комилон қишлоқ кенгаши ижроқўми раиси айтганлигини гапирди. Аслида раис Тошбўри Ҳамраев унинг сўзларини мутлақо инкор этди. Бизга қуйидаги сўзларни ёзиб берди: «Мухбир маиший хизмат кўрсатиш ходимлари билан учрашмаган, ҳаттоки ўша танқид қилинган жойни ўз кўзи билан кўрмаган, мазкур масала қишлоқ кенгаши раис хонасида ҳал бўлган, деган фикрлар ноўрин».

Рўзнома чиқишлари ва меҳнаткашлар хатларига енгил-елпи, юзаки муносабатда бўлиш маиший хизмат бошқармасида одатдаги ҳолга айланган. Шу йил бошида вилоят халқ назорати комитети ўз мажлисида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси ва унинг бўлинмаларида меҳнаткашлар хатлари ва оғзаки шикоятлари билан ишлаш юзасидан ўтказилган текшириш натижаларини кўриб чиққан эди. Бошқарма бошлиғи С. Ниёзматова ишни етарли назорат қилмаганлиги ва хизмат кўрсатишни ташкил этишга эътибор бермаганлиги оқибатида хатлар билан ишлашда жиддий нуқсонларга йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилганди. Афтидан, С. Ниёзматова ундан тегишли хулоса чиқармаганга ўхшайди. Хўш, бу юзакичиликни Қашқадарё вилояти партия, совет ташкилотлари қандай баҳолашаркин?

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

АНВОЙИ ГУЛЛАР

● Хоразм вилоятининг Боғот ноҳиясидаги Наримонов номли жамоа хўжалиги иссиқхонасининг ходимлари янги йил арафасида бир миллионга яқин турли-туман анвойи гулларни харидорларга тақдим этишди. Чинни гул, бинафша, хитой атир гули ва шунга ўхшаш гулларга талаб катта бўлмоқда.

Жамоа хўжалигининг гулзори бир гектар ерни эгаллайди. Айниқса, ҳозир иссиқхонага кирган кишилар ўзларини қандайдир ажойиботлар оламига келиб қолгандек ҳис этишади. Бу ерда Ҳиндистон, Вьетнам, Болгария ва бошқа мамлакатларда етиштириладиган гуллар кўп.

Ўғилжон Бектурдиева, Ширинжон Рўзметова сингари гулчилар, агрономлардан Рифат Гинатуллин ва Шоназар Муродовлар бу ердаги кўп йиллик самарали ишлари натижасида ўз касбининг моҳир усталари сифатида танилдилар. Улар одамларга шоду хуррамлик бахш этиш билан бирга жамоа хўжалигига ҳар йили 30—40 минг сўмдан фойда келтиряптилар.

Ю. ИБРОҲИМОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ХАБАР

Ўзбекистон ССЖ Давлат саноатдаги ишларни хавфхатарсиз олиб бориш устидан назорат ва кон назорати комитетининг хабар қилишича, 1990 йил 28 декабрь куни маҳаллий вақт билан соат 17 дан 15 минут ўтганида Жиззах аккумулятор заводида иссиқликни алмаштириб турувчи қурилмада портлаш рўй берди.

Натижада иккинчи қаватнинг томи қулаб тушди. Тўрт киши ҳалок бўлди, уч киши касалхонага ётқизилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, портлаш технология тартиб-қоидаси бузилганлиги оқибатида содир бўлган.

Фалокат тафсилотлари ва сабаблари текширилмоқда.

• Фарзандларимиз камолини ўйлаб

САЁҚ ЮРГАН ТАЁҚ ЕЙДИ

Киров район ички ишлар бўлими тергов хонасида уч ўспирин ўтирарди. Улар билан бирма-бир савол-жавоб қилина бошланди.

Райондаги Киров номли совхознинг ишчиларидан бири мотоциклда Яккатутга келиб тўхтади-да, мотоциклини йўл четига қўйиб, чойхонага кирди. У бироз дам олиб ташқарига чиқса-ки, мотоцикли йўқ. Бу ҳақда у участка милициясига хабар беради. Буни қарангки, ўғрилар бир зумда қўлга туширилди. Ҳозирги тергов қилинаётган ўспиринлар шулар бўлиб, уларнинг икки нафари 10-синф ўқувчилари, бири эса райондаги 4-ўрта ҳунар-техника билим юртининг талабаси эди.

Тергов тугагач, айбдорларнинг ота-оналари билан суҳбатлашдик. Уларнинг бошлари эгик, қовоқлари солиқ, юзимизга қарай олмасдилар.

— Бу бетавфиқлар, бизни эл олдида шарманда қилишди,— дейди улардан бири изтироб чекиб.

— Ўғилларингизнинг қаерларда юриши ва нималар билан шуғулланиши тўғрисида сира қизиққанмисизлар?

Бу саволга ота-оналарнинг жавоби бир хил бўлди:

— Ҳар куни кино кўрамиз, деб чиқиб кетишиб, биз бир уйқуни олгандан кейин уйга қайтишарди...

Масала ойдин: ота-оналар фарзандларини назоратсиз қолдиришган. Улар фарзандлари уйдан қачон чиқиб, қачон қайтяпти, кино соат нечада бошланиб, нечада тугайди, кинодан кейин қаерларда бўлганлиги билан қизиқишмаган. Оқибатда...

Мен бу мисолни бежиз келтирмадим. Орамизда фарзандларининг юриш-туришига бефарқ қарайдиган, уларнинг тақдири билан қизиқмайдиган ота-оналар оз эмас. Бундай ота-оналарга фарзандларининг ножўя хатти-ҳаракатлари хусусида айтгудай бўлсангиз, «Ҳаҳ, шунга шунчаликми?! Нима қипти, ўғлим бировни урмаган, сўкмаган бўлса, қизларга кўз олайтирмаган, ўғирлик қилмаган бўлса» деган жавобни эшитамиз. Қўнғиз боласини оппоғим, кирпи юмшоғим дер экан. Шундан бўлса керак, мен ўттиз уч йил ўқитувчи бўлиб ишлаб, боласининг айбига тўлиқ иқрор бўлмаган, бунинг учун ўзларини гуноҳкор ҳисоблаган ота-онани кам учратдим. Қайси бири билан суҳбатлашманг оғзингиздан чиқиши билан ёқангизга ёпиштиради: «Сизлар нимага маош оляпсизлар, ўзи?» деб педагогларни гуноҳкори азимга чиқаришади.

Тўғри, ўқитувчи ёшларга билим билан бирга таълим-тарбия ҳам беради. Ўқувчи аъло баҳоларга ўқиса-да, ахлоқ-одоб борасида нуқсонли бўлса, бунга ўқитувчи сира бефарқ қаролмайди. Боланинг хулқ-атворидаги айрим нуқсонларни йўқотишга ўзининг ўқитувчилик ва тарбиячилик маҳоратини ишга солади. Лекин бола эртадан кечгача мактабда бўлмайди-ку. У ўқув ёки тўғарак машғулотларидан ташқари вақтини оилада, уйда ўтказади. Ёзги таътил даврида эса бола қарийб уч ой ота-онаси бағрида бўлади.

Фарзандларининг келажагини ўйлаган ота-оналар оилада доимий тарбияни йўлга қўйиш, ўғил-қизларига ўқиш даврида ҳам, дам олиш, таътил пайтларида ҳам кўз-қулоқ бўлиб турадилар. Улар агар бола бирор нарса билан банд бўлиб турмаса, бебош бўлиб, турли хатарли йўлларга кириб кетишини яхши англайдилар. Бунинг учун болаларини ақлий ва жисмоний ишлар билан банд қилиб, уларнинг ножўя хатти-ҳаракат қилишларига йўл қўймайдилар. Болаларининг тақдири билан қизиқмайдиган ота-оналар эса тарбия боғча, мактабларнинг иши деб қараб, оиладаги вазифаларини рўзғор тебратишу ўғил-қизларининг устига кийим, қорнига овқат топиб беришдан иборат деб ҳисоблайдилар. Уларнинг наздида ҳаёт фақат кийиниш ва ейишдан иборат. Ахир, бебош болаларнинг ножўя хатти-ҳаракатларидан, қилмишларидан ранжиган пайтларимиз озми?!

Тасаввур қилинг-а, бир дақиқага машинасини кўчада қолдирган шофёр машинаси эшигини кимдир мих билан чизиб кетгандан ёки ойнасига тош отиб дарз етказганидан изтироб чекяпти. Монтёрнинг фиғони фалак: «Буни қаранг, кечагина симёғочларга ўрнатилган лампочкаларимиз ерда чил-чил бўлиб ётибди». Йўл четларидаги транспорт ҳаракати белгиларининг тунукаси букланган, пачоқ. Бекатларга қўйилган ўриндиқлар пичоқ билан ўйилган. Кинотеатр афишаси йиртилган, ҳарфлари ўчирилган... Бундай ярамас одатларга кимлар «журъат» этиши ҳаммага аён. Буларнинг барчасида назоратсиз қолдирилган болаларнинг қўли 'бор, албатта. Фарғона фожиасида болаларнинг ҳам иштирок этганлиги ҳеч кимга сир эмас. Уларнинг ёмон йўлга кирганликларига сабаб нима? Бунинг учун аввало кимни айблаш керак?!

Бунга бош сабабчи ота билан она. Нега улар ўғилларининг қаерда, ким билан юрганликлари, нима билан шуғулланаётганликлари билан қизиқишмайди?!

Томорқа, уй ишларида, рўзғор юмушларида, айниқса, шу кеча-кундузда тиним билмай оппоқ пахталарни йиғи-теріб олаётган ота-оналарга яқиндан ёрдам бераётган ёшлар ҳам оз эмас. Бироқ на ҳордиқ чиқармасдан, на бирор иш билан шуғулланмасдан, кўчакўйларда санқиб юрган сайёҳлар ҳам топилади. Биз бугун уларга бефарқ қарайдиган бўлсак, «майда-чуйда» хатти-ҳаракатларига эътибор бермасак, эртага кечикамиз. Саёқ юрганларнинг таёқ ейишига сабабчи бўламиз. Шундай экан, ҳар бир ота-она фарзандларига доимо кўз қулоқ бўлиб турмоғи, уларнинг қаерларда, кимлар билан суҳбат қуриб, нима билан шуғулланаётганликларини сўраб-суриштириб билмоқлари лозим. Бу ота-онанинг асосий бурчи ва доимий вазифасидир.

Олтмиш УСАРОВ,
ССЖИ халқ маорифи аълочиси.
Фарғона вилояти.

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ ОЛАМИДА

● Тошга жону тил бағишлаб... || ● Миллий кийимлар намойиши. || ● Умиди сўнмайин яшаса киши. || ● Таниқли олим ва драматург

Тошга битилган тарих

Ўзбекистон тасвирий санъати тараққиётида ҳайкалтарошлик тобора муносиб ўрин эгалламоқда. Жумҳуриятимиз ҳайкалтарошлигига муносиб ҳисса қўшаётган санъаткорлардан бири Аҳмаджон Шоймуродовдир.

Самарқанд шаҳрида Йўлдош Охунбобоевга ўрнатилган ҳайкал, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қудрат Суюнов жасоратини абадийлаштирувчи ёдгорлик, машҳур халқ бахшиси Ислом шоир сиймоси, Тошкент метрополитени Алишер Навоий номидаги бекатидаги бўртма расмларни яратишдаги иштирокининг ўзиёқ Аҳмаджон Шоймуродов ижоди тўғрисида тасаввур пайдо қилади. Унинг болалик йиллари улуғ Ватан урушининг энг оғир даврига тўғри келди. «Бола эканмиз, — дея эслайди ҳайкалтарош, — бўлмаса, 1942 йили ўз ихтиёри билан фронтга кетаётган отам Шоймурод Орзиқуловни бепарвогина кузатармидим? Олти ёшимда отам билан бир умрга хайрлашаётганимни хаёлимга ҳам келтирмаган эканман...»

Онла бошлиғидан ажралган ёш Аҳмаджон онаси билан Пахтачи районининг Гўрўғли қишлоғида яшовчи Орзиқул бобо ёнига кўчиб боришди. Кейинчалик улар яна Самарқандга қайтиб келишди ва оила шароити тақозосига кўра, Аҳмаджон кечки мактабда ўқиб кундузилари тоштарошлик устахонасида тош кесувчи бўлиб ишлади. Бу қийин ва заҳматталаб меҳнат бўлғуси ҳайкалтарошга, шоир таъбири билан айтганда, «тошга жону тил бағишлаш» сирларини эгаллашда ҳақиқий ҳаёт мактаби вазифасини ўтади. Чунки ҳайкалтарошлик санъатида материал хусусиятини билиш, тасаввур қилиш, мутахассисларнинг фикрича, «ҳис қилиш» жуда муҳим аҳамиятга эга. Самарқанддаги тоштарошлик устахонасида Аҳмаджон атоқли санъаткорлар, халқ усталари, ССЖИ Давлат мукофоти лауреатлари Жалол ва Болта Жўраевлар раҳбарлигида тош йўниш, ҳарф ўйиш ва бошқа ишларни ўрганди. Бу ҳаёт мактаби ҳайкалтарошнинг келгуси ижодий изланишларида қўл келди.

А. Шоймуродов аввал Москвадаги М. И. Калинин номидаги бадиий саноат ишлаб чиқариш билим юртида таълим олди. Шу даврда унинг асарлари билан ССЖИ халқ рассоми Ўрол Тансиқбоев танишиб, Аҳмаджонга албатта олий санъат билим юртида билимини оширишни маслаҳат берди. Ёш ҳайкалтарошнинг илк асарлари— «Ҳамза», «Билимга интилиш», «Аёл портрети» ва «Собир» 1959 йилги Ўзбекистоннинг Москвадаги декадасида намойиш этилиб, мутахассислар эътиборини қозонди.

1959—1965 йилларда Суриков номидаги Москва давлат Бадиий институтида М. Манизер, М. Шмаков ва бошқалардан таълим олди. Ўқиш даврида ва ундан сўнг ҳайкалтарош тинимсиз ижодий изланиш билан банд бўлди. У ҳозир қирқдан ортиқ асар ижодкори, кўплаб республика ва Бутуниттифоқ, ҳатто чет эл — Болгария, Руминия, Чехословакия ва Венгриядаги кўргазмалар иштирокчисидир. Унинг асарларидан бири 1970 йили ССЖИ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг кумуш медали билан тақдирланган.

Санъаткор яратган Алишер Навоийнинг бюст-портрети асосан, Маҳмуд Музаҳҳибнинг машҳур расми асосида яратилган, аммо ҳайкалтарош улуғ шоир сиймосидаги руҳий кечинмаларни чуқурлаштиргани, унинг характеридаги инсоний хусусиятлар — ўйчанлик, ўзига ишонч, ҳаётга қизиқиш, табиатининг нозик хусусиятларини акс эттиришга интилган.



Шоймуродовни ҳайкалтарош сифатида она шаҳри Самарқандсиз тасаввур қилиш қийин. Бу унинг маданиятимиз тарихига оид бир туркум асарлари, жумладан, Спитамен, Улуғбек, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, қолаверса, халқ оғзаки ижоди намояндалари образларига мурожаатида яққол сезилади.

Замондошларимиз образлари ҳам А. Шоймуродов ижодида ўзининг бадиий ифодасини топган. Бу ўринда Чори Йўлдошев, Шоймардон Қудратов, Энвер Алиев портретларини эслаш зарур. Ҳар бир қаҳрамон образини яратишда ҳайкалтарош кишининг ҳаққоний ташқи кўринишини тасвирлаш билан бирга, унинг руҳий оламини, маънавий дунёсини ифодалашга интилади.

Зиёлилардан Садриддин Айний, Парда Турсун, Воҳид Абдуллаев, Чингиз Ахмаров, образлари ҳам ҳайкалтарош ижодида муҳим ўрин тутади. Унинг «Жарроҳ» асарида врачларнинг олижаноб фаолияти, уларнинг ўз ишига масъуллиги ёрқин ифода этилган.

Шу кунларда ҳайкалтарош Аҳмад Шоймуродов қизғин ижодий ишлар билан банд. Улуғ Навоийнинг 550 йиллиги юбилейи муносабати билан унинг сиймосини яратмоқда. Айни вақтда ҳайкалтарош Алишер Навоийнинг муаллими Абул Лайс ҳайкалини ҳам ишлаяпти.

К. МУСАМУРОДОВ.

СУРАТДА ҳайкалтарош Аҳмад Шоймуродов иш устида.

Назм дафтаридан

КУНЛАР

Нуқул шошиласан, шошиб яшайсан,
Чойингни тик туриб ичасан гоҳо:
Тезликда гўёки, нурга ўхшайсан,
Вақт сенинг ишончинг, вақт—улкан даҳо.

Ишга ҳам шошилиб борасан ҳар кун,
Шошилиб уйингга қайтасан яна.
Ойларни қувалаб йил бўлур якун,
Янги йил юз марта қилар тантана.

Инсон бир нарсани унутар ҳар вақт:
Яшалган ҳар кунга қисқарар умр.
Мангу дейилган бахт жуда омонат,
Жуда омонатдир, кўзлардаги нур.

Омонат кунларнинг қадрига етиш —
Сенинг зиммангдадир биродар азиз.
Ҳаётнинг қонуни: келишу-кетиш,
Шоҳ, гадо баробар келиб кетамиз

Аммо яшаганга нима ҳам етсин,
Елкангда келажак юки, ташвиши.
Кечган ҳар дамига берар экан зеб—
Умиди сўнмайин яшаса киши!

ТЕНГДОШЛАРИМГА

(ҳазил)

Бунн қаранг, кўча-куйда ёш-ялангга
Ҳавас билан, дил орзиқиб қараяпмиз.
Қўлни чўзиб баланд, олис юлдузларга,
Тополмасдан юлдузимиз, қарияпмиз.

Кеча эди тоғни талқон қилиб бизлар,
Осмонларга нарвон қўйиб, излар солган.
Ортимиздан шўх жилмайиб боқди қизлар,
Энди эса ўшаларни эслаш қолган.

Ток зангидай ғадир-будир панжа ила
Киров қўнган сочимизни тараяпмиз.
Давраларда дейишади: «Тилак тила!»
Дуо қилар пайтлар келди, қарияпмиз.

Ортимизда ярим аср йўллари бор,
Лекин авжда биз бошлаган дилбар
қўшиқ.
Ҳали ҳаёт елкамизда, ишлар бисёр,
Биз қуряпган ишқ биноси битгани йўқ!

Канал очдик, уйлар қурдик меҳр билан,
Ҳаммамиз тенг бир кўчадан бораяпмиз.
Йиллар юзга ажин солди сеҳр билан,
Истасак-да, истамасак, қарияпмиз!

Оёқ оғир деб қоламиз биримиз гоҳ,
Биттамизчи хиралашган кўздан нолир.
Биттаси дер: «—Умр ўтди қилмай огоҳ»,
Биттаси-чи, йиғлаб қўлга дутор олур.

Йиллар қилди қиларини, аммоки биз—
Ҳар қадамда ҳар бир ишга яраяпмиз:
Баъзи ҳолда эскича деб камситманг сиз,
Тан олмайин илож қанча, қарияпмиз.

Трамвайда биронта ёш бўшатса жой,
Яширмаймиз, орзиқади юрагимиз.
Аммо ҳали иссиқ бизлар ичяпган чой,
Ҳали бажо бўлгани йўқ тилагимиз.

ТЎЛҚИН.

САМАРҚАНД. Шаҳарда очилган тарихий кийимлар театри спектакли «Мўъжизалар карвони» деб номланди. Унда ёш артистлар томошабинларни ўтмишга саёҳат қилдиради. Бронза давридаги Самарқанддан йўл олган бу карвон Бақтрия, Эрон, Хитой, Македония, Араб мамлакатлари орқали ҳозирги шаҳарга қайтади.

Ана шу жараёнда томошабинлар нафақат миллий кийимлар тарихи, балки Осий ва Шарқ халқларининг урф-одатлари ва рақслари билан танишадилар.

Спектакль учун кийимлар санъатшунос ва бичиқчи-мусаввирлар тавсиясига биноан тайёрланган. Уларни тайёрлашда Самарқанд, Бухоро ва Ургут зардўзлари иштирок этдилар.

СУРАТДА: миллий либос кийган келинчак саҳнага чиқмоқда.

Р. ҒОФУРОВ суратга олган. (ЎзТАГ).

ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ

ХОТИРА

«Воениздат» нашриёти Совет Иттифоқи Қаҳрамони, армия генерали Семён Павлович Ивановнинг «Армия штаби, фронт штаби» китобини босмадан чиқарди. Муаллиф Улуғ Ватан уруши йилларида танк, умумқўшин армиялари, кўплаб фронтларнинг штабларига бошчилик қилган. У ўз китобида чексиз муҳаббат ва ҳайрат билан совет жангчиларининг, шу жумладан, Ўрта Осиё жумҳуриятлари вакилларининг мардликларини қаламга олади.

Асосан ўрта осиёлик шерюраклардан ташкил топган 21-дивизия жангчилари ҳам қаҳр-ғазаб билан жанг қилишган. Уларнинг мардлиги хотирасига Понятовка бекатида ёдгорлик ўрнатилган.

1943 йилнинг қишида Сталинград учун олиб борилган жанглар ғалабамиз билан тугади. Бунда Ўзбекистонлик ўғлонларнинг ҳам улкан ҳиссаси бор.

«Армия штаби, фронт штаби» китобида ширали тил билан ёзилган бу каби лавҳалар талайгина. Улар Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида жон фидо қилган ватандошларимиз жасоратини яна бир бор хотираларимизда жонлантиради.

В. ГАССИЕВ,
тарих фанлари номзоди, Жанубий Осетия жанговар шон-шуҳрат музейи мудири.

ИСТЕЪДОДНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

Иззат Султон адабиёт оламига илмий-танқидий мақолалари билан кириб келди. Илмда ўз ўрнини жуда эрта топди ва ўттиз ёшлар атрофида бадиий ижод майдонига дадил қадам босди. Йигирма тўққиз ёшида «Адабиёт назарияси» дарслиги босилиб чиқди (1939), бир йилдан сўнг биринчи бадиий асари «Бургутнинг парвози» ёзилди ва 1943 йилда саҳналаштирилди. Шундан буён Иззат Султон ижоднинг икки соҳасида бирдай изчил ва муваффақият билан ижод қилиб келмоқда. Адабиётимиз тарихида бу икки йўналишда қалам тебратиб, боқий асарлар ёзган ижодкорлар кам эмас. Жумладан, Ойбек ёки Мақсуд Шайхзоданинг илмга оид асарлари талайгина. Бироқ уларнинг бири йирик романнавис, иккинчиси теран шоир сифатида шуҳрат топганлар. Иззат Султон ўзбек адабиётшунослигининг етакчиси, отахони, айни чоғда унинг «Алишер Навоий» (Ўйғун билан ҳамкорликда ёзган), «Имон», «Донишманднинг ёшлиги» каби пьесалари ўзбек драматургиясининг, ўзбек саҳнасининг етук асарларидан бўлиб қолди. Иззат Султон истеъдодининг қўш қаноти унга баланд ва узоқларга парвоз этиш имконини берди.

Ўттиз йилдан кўпроқ муддатдан буён Иззат Султон билан бир институтда ишлайман. Шу туфайли унинг руҳияти, ижод тарзи, яшаш тартибидан бироз хабардорман. У зеҳни ўткир, хотираси кучли, қамрови кенг, ижтимоий-сиёсий туйғуси ўткир, фикри теран ижодкор. Мана, саксон ёшга кирибдики, тафаккури тиниқ, илҳоми қайноқ, орзуси мўл-кўл. У икки соҳада ҳам оз ва соз ёзади. У «санъатда миқдор эмас, сифат муҳим», дейди.

Мени Иззат Султоннинг доим руҳий тетиклиги ва ўз йўлини қаттиқ туриб ҳимоя қилиши лол қилади. Дарвоқе, бирор кутилмаган сабаб ёки қандайдир ташқи тазйиқ туфайли қатъиятдан чекиниши мумкин, Аммо булар вақтинча, холос. Ҳатто аксинча, сиёсий ёки ижтимоий вазият тақозоси билан йўл қўйган қусурларидан астойдил қутилишга эришади. Шахсга сиғиниш даври анъанаси бўйича бир мақоласида Абдулла Қодирийни танқидлаб тилга олади. Бироқ Абдулла Қодирий оқлангандан кейинги у ҳақдаги илк ва чуқур, оташин мақолани Иззат Султон ёзди. «Адабиёт назарияси» китобида назарий фикрларини тасдиқлаганда Абдулла Қодирийга суянди. Бу асардаги Абдулла Қодирий ижоди ҳақидаги олимнинг мулоҳазалари беш босма табоқдан ортиқ. Одатда назарий мулоҳазалар ғоявий-бадиий етук, боқий асарлар асосида айтилади. Иззат Султон Абдулла Қодирийга бўлган юксак ҳурмат ва эътиқодини унинг «Ўтган кунлар» романи ва ёзувчининг ҳаёт йўли мисолида яратган «Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари» асарида ҳам намойиш қилди. Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик театрида қўйилган бу асарни томошабин, адабий жамоатчилик ижобий кутиб олди, ҳозиргача 200 марта қўйилди. Драматург ёзувчининг ҳам ҳаёт йўли, ҳам романи руҳини умумлаштириш, ўзбек халқи ҳаётининг икки даврдаги кенг манзарасини ҳаққоний акс эттириб беради, эркинлик, адолат ва инсонпарварлик ғоясини фаол ҳимоя қилади. Драматург Отабекда Абдулла Қодирийни, Абдулла Қодирийда Отабекни идрок қилганди, уларни тақдирдош, руҳан муштарак шахслар сифатида талқин қилди. Бу ўзбек драматургиясида янгилик эди (Саҳнада икки ролни бир артист ўйнайди).

Дарвоқе, Иззат Султоннинг драмалари «Имон», «Номаълум киши», «Истеҳком» ва киносценарийларидагина эмас (Ўйғун, В. Шклавский, А. Спешнев билан ҳамкорликда ёзган «Алишер Навоий» ёки «Фидоий» киносценарийлари), ҳатто илмий асарларида ҳам унинг шахсияти, «мен»лиги, руҳий олами, имон-эътиқоди равшан акс этиб туради. Бу, айниқса, ижодкорнинг сиёсий, ижтимоий шуурининг ўткирлигида, қамровининг кенглиги ва умумлаштиришларининг чуқурлигида кўринади. Бу бежиз эмас, албатта. Аввало, тақдир Иззат Султонни совет жамияти тарихидаги деярли ҳамма йирик сиёсий-ижтимоий воқеалар, ўзгаришларнинг гувоҳи, иштирокчисига айлантирди.

Иззат Султон илмда энг аввало ҳақиқий, йирик ва бетакрор адабиёт назариётчиси сифатида шуҳрат топди ва маданиятимиз тарихида мустаҳкам ўрин эгаллади. Унинг ўрта мактаб учун мўлжалланган «Адабиёт назарияси» китоби бир неча авлодга асқотди. Қирқ йилдан сўнг олим дорилфунунлар ва педагогика институтларининг филология факультетлари студентлари учун «Адабиёт назарияси» дарслигини яратди, қисқа вақтда бу асар қайта-қайта нашр этилди. Иззат Султон Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти нашр этган икки жилдли «Адабиёт назарияси» асари яратилишига бош-қош бўлди, бир неча бобларини ёзди. Олим талантининг ихлосмандларини кўпайтирган асарларидан яна бири унинг «Навоийнинг қалб дафтари» (1969) номли шакл-шамойили, мазмун ғояси билан оригинал китобдир (у рус тилида ҳам босилди), Уни шартли равишда ҳужжатли қисса деса ҳам бўлади. Иззат Султон Навоийнинг ўз асарлари, унга замондош бўлган шахслар, тарихчилар, олимлар, ёзувчиларнинг улуғ ўзбек шоири тўғрисидаги араб, форс, ўзбек тилидаги барча тарқоқ маълумот, ҳужжат, хотиралар, ёзишмалар, фикрлар, қайдларни мисқоллаб йиғади ва пировардида Навоийнинг бой, ранг-баранг ҳаёти, руҳий олами, орзу-армони, мақсад-идеалларини қизиқарли йўсинда акс эттириб беради.

Иззат Султон «Адабиёт назарияси»нинг ўзига хослиги ва жозибаси шундаки, муаллиф дарсликда бадиий сўз санъатининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, роли ҳақида, бадиий адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари, моҳияти, бадиий ижод турлари, бадиий асар структураси ва бадиий ижод жараёни қонуниятларини умуман тушунтирибгина қолмасдан, буларни жаҳон, биринчи ўринда рус адабиёти сабоқлари, асосан ўзбек адабиёти тарихи, тажрибаси, ютуқлари мисолида талқин қилди. Шу «миллий сабоқ», «миллий материал», «миллий бадиий тафаккур тажрибаси» Иззат Султон учун айни чоғда сўз санъатидаги муштарак қонуниятларни кўрсатишга хизмат этди. Муаллифнинг ўзи ҳам, ўзбек адабиёти тарихи билан жиддий шуғулланганлиги учун (Навоий, Машраб, Фурқат ва совет даври ўзбек адабиёти тарихи билан), ҳам адабиётшунослик методологияси («Ўзбек адабиёти тарихини ҳар томонлама ва чуқур ўрганайлик» мақоласи типидаги), ҳам адабий танқид билан мунтазам шуғулланиб келаётгани учун шуларнинг натижаси ўлароқ «Адабиёт назарияси» китоби майдонга келди. Иззат Султоннинг бадиий ижод соҳасидаги катта тажрибаси ҳам, сўз санъатининг «ўз одами» эканлиги ҳам дарсликнинг теран ва ишонарли чиқишига олиб келди.

«Адабиёт назарияси» дарслигини қўлтуриб, олимнинг адабий-танқидий ва адабиётшуносликка доир мақолаларига разм солсак, булардаги етакчи фазилат назарий фикр айтиш эканлигига ишонамиз. Жумладан, олимнинг ўзбек адабиётида социалистик реализм методининг туғилиши ва ривожига доир ишларини эслайлик. Бизда Иззат Султондан бошқа мутахассис бу масала билан жиддий шуғулланмаган.

Ҳаёт, совет адабиётидаги турли услубий йўналишдаги ижодкорлар тажрибаси ва ҳозирги кунда социалистик реализм атрофида кетаётган қаттиқ мунозаралар бу метод масаласига янгича ёндошишни тақозо қилмоқда. ССЖИ Ёзувчилар иттифоқининг янги Устави лойиҳасининг эълон қилиниши ва унда «социалистик реализм» деган иборанинг ишлатилмаслиги ҳам масаланинг жиддийлигидан далолат беради. Барибир, лойиҳада адабиёт ва санъатнинг воқеликка ҳаққоний муносабати, социалистик идеал, ҳаётни, инсонни реалистик тасвирлаш, ижодкорнинг партиявий ва халқчиллик позицияда туриши каби методнинг асосий принциплари ҳимоя этилади. Иззат Султоннинг метод тўғрисидаги мулоҳазаларини, концепциясининг кенг моҳияти шу принципларга ҳамоҳанг.

Иззат Султонда адабий жараёндаги, илм бобидаги янги ижобий тенденциялар ёки камчиликлар, иллатларни ўзгалардан барвақтроқ сезиб олиш бир туйғуси бор. Бундай ҳодисаларнинг моҳиятини теран очиб беради. 1956 йилда у «Ўзбек адабиёти тарихини ҳар томонлама ва чуқур ўрганайлик» мақоласини эълон қилди. Унда қатор принципиал масалаларга олимлар диққатини тортади: адабиётшунослар узоқ вақт 1905-1917 йиллардаги «тарихий-адабий жараённи четлаб ўтдилар», бу эса янги, совет адабиёти туғилишини ҳаққоний кўрсатишга монелик қилиб келди. Иззат Султон бекорга бонг урмаган эди, ҳозир бу даврни таҳлил этувчи монографиялар пайдо бўлди. Мақолада жадидизмни ўрганишни ўртага қўяди. Гарчанд мақолада бу ҳодисага бир томонлама ёндошилган бўлса-да, 1962 йилда ёзган «Абдулла Қодирий» деган мақоласида жадидизмнинг туғилиши ижобий ҳодиса эди, кейинчалик у икки қанотга ажралиб кетди, ўнг қаноти «буржуазиянинг реакцион миллатчилик идеологиясини ифода этди», деб таъкидлади. 1988 йилда Тошкентда жадидизм масаласига бағишланган регионал кенгашда Иззат Султон доклади билан мунозарани бошлаб берди. Жадидизмнинг ўзбек халқининг ижтимоий тафаккури тарихида янги, прогрессив босқич эканлигига эътиборни тортди, бу ҳодисанинг прогрессив жиҳатларини янада кўпроқ ёритди.

Иззат Султон ўзбек адабиёти тарихини чуқур ўрганишга даъват этувчи ўша мақоласида илмдаги яна бир иллатни—ёзувчи ҳақида унинг ижодий объектив ролига қараб эмас, балки унинг ижтимоий келиб чиқиши ёки «муҳитига қараб баҳо бериш» ҳодисасини кескин танқид қилади.

«Айрим ёзувчиларнинг ижодига нисбатан бундай нотўғри ёндашиш яна шунга олиб келдики, — дейди олим, — сўнгги йилларда Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Навоийнинг замондоши Султон Ҳусайнлар меросини ўрганиш илмий-текшириш ишлари планларидан ҳамда олий ва ўрта мактаблар ўқув программаларидан чиқариб ташланди. Ваҳолонки, бу шахслар гарчи тарихда шоҳ бўлиб ўтган бўлсалар-да, ўзбек адабиёти тарихига маълум ҳисса қўшганлар. Бу гап дастлаб ва кўпроқ Бобурга тааллуқлидир. Унинг лирикаси ва мемуари («Бобурнома») ўзбек адабиёти тарихининг ажойиб ёдгорлигидир».

80-йиллар охирида республикада давом этаётган буйруқбозлик иш услубининг таъсири ва тазйиқида Иззат Султоннинг юқоридаги ўзининг тўғри позициясини ҳимоя қила олмаган пайтлари бўлди. Бунинг учун баъзи ёшлар олимга қаттиқ дашном бердилар...

Аммо зарур бўлганда Иззат Султон кўкрагини тутиб ҳақиқатни ҳимоя қилди. Замон, шароит тақозоси билан аввал айтган бир томонлама фикрларидан воз кечди. «Алпомиш» қаҳрамонлик достонини дадил ҳимоя қилганлардан бири Иззат Султондир.

1988 йилнинг бошида Иззат Султон Фитрат ва Чўлпон ҳақида «Маданиятимизнинг икки сиймоси» деган мақола устида ишлади, мени ҳамкорликка таклиф этди. Мақола ёзилгандан кейин турли чиғириқлардан ўтиб газетага келгунча тўрт ойча вақт ўтиб кетди. Иззат Султон Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг йиллик мажлисида бу хусусда қаттиқ гапирди, шундан кейингина мақола босилди. Бунда олим «миллатчи» деган иборани бирор бор ишлатмади, «миллий маҳдудлик» сўзларини ҳам икки ёзувчи ижодининг биринчи босқичларидаги бир қатор асарларига нисбатан қўллади. Икки арбобнинг маданиятимиздаги ўрнини аниқ белгилади ва улар асарларини нашр қилиш ишини тезлаштиришни ўртага ташлади. Кекса олимлардан биринчи бўлиб, 20-йиллар ўзбек адабиётига қайта қуриш позициясидан ёндашган Иззат Султон яна бир бор давр билан ҳамқадамлигини кўрсатди.

У «Ўзбек адабиёти тарихини ҳар томонлама ва чуқур ўрганайлик» деган мақоласида илмда (ҳатто ҳозир ҳам) ҳукм суриб келаётган яна бир қусур — ижодкор эришган бирор ютуқни албатта «у ёки бу рус ёзувчисидан ўрганганлиги билан изоҳлаш»ни кескин қоралайди. Ҳамма гап ёзувчининг таланти, ўзига хос бадиий идрокига, тажрибаси, ақл-заковатига боғлиқ.

Иззат Султон бадиий образ ва умуман, бадиий асар тақдири ижодкор шахсиятига боғлиқ эканлигига алоҳида урғу беради. Воқелик, ҳаётий ҳодиса, фактларнинг роли беқиёс катта. Бироқ булар ижодкорнинг ижтимоий ва ахлоқий идеали билан бирга қайнаб пишгандагина ҳақиқий бадиий образ яратилади. Бошқача айтганда, «бадиий адабиётда образ ҳаётий факт билан ёзувчи идеалининг қўшилиши натижасида майдонга келган «қуйма»дир».

Бу ерда Иззат Султон ўз мақолаларида изчил олға сурган яна бир ғоя ҳам келиб чиқмоқда. У фактнинг қули бўлиб қолиш, воқеликдан, ҳаётдан юқорига кўтарилмаслик тасвирда жўнликка, натурализмга олиб келажагини айтиб «ижобий қаҳрамон фаолияти, ҳаёти ва тафаккурини поэтикалаштиришдан, образни «кўтариш»дан қўрқмаслик керак», дейди. Ижобий қаҳрамоннинг ҳам, салбий образнинг ўзлигини намойиш қилиш учун ҳаракат, кураш майдони керак, шу кураш жараёнидагина схематик образлар «ўлик жонлар» эмас, балки жонли, индивидуал, жозибали қаҳрамонлар яратилади. Иззат Султон роман, қисса ҳикояда ҳам, драматургияда ҳам сюжетнинг қизиқарли бўлишини талаб қилиб қўяди.

Таниқли олим ва драматург Иззат Султон ўзининг теран илмий ишлари ва етук драматик асарлари билан ўзбек адабиёти, санъати ва маданияти бойишига салмоқли ҳисса қўшди.

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ,
Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

ТЎҒАРАКДАН—ТЕАТРГА

Фарғона вилояти Киров район маданият уйи қошида драма тўгараги ташкил этилганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Халқ ижодиётининг чинакам жонкуярларидан бўлган Усмонали Нажмиддинов бошлиқ ҳаваскорлар қисқа вақт ичида ўзларининг репертуарини яратдилар.

Ижодий жамоа драматург Шароф Бошбековнинг «Темир хотин» пьесасини қўлга олганида беихтиёр ўйланиб қолди: асарни жумҳуриятимиздаги деярли барча профессионал театрлар саҳналаштирган, спектакллар билан, радио ва телевидение орқали бўлсада, Киров районн санъат мухлислари ҳам таниш. Қандай бўларкин? Ўзига хос, оригинал спектакль қўйиб бўлармикин?

Ҳа, фарғоналик ҳаваскорларнинг изланишларига яқинда баҳо берилди. «Темир хотин» спектакли халқ ижодиёти III жумҳурият анжуманида намойиш этилганида ҳакам аъзолари уни голиб асар деб тан олдилар. Спектакль уларнинг қарорига биноан Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон анжуманида намойиш этиладиган бўлди. Айни вақтда ҳакам аъзолари драма тўгарагини халқ театри унвонига тавсия қилдилар.

СУРАТДА: «Темир хотин» спектаклидан бир кўриниш. Аломат ролида ўқитувчи О. Нажмиддинова, Қўчқор — У. Нажмиддинов.

Ф. НАЗИРОВ (ЎзТАГ) суратга олган.

АНДИЖОН ХУШХАБАРЛАРИ

ЖУМҲУРИЯТДА ЯГОНА

● Вилоят деҳқончилик саноати ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг ташаббуси билан Марҳамат ноҳиясидаги «Октябрь 50 йиллиги» жамоа хўжалиги ҳудудида «Баҳор» соғломлаштириш оромгоҳи ишга туширилди.

Жумҳуриятда ягона ҳисобланган бу оромгоҳда турли ҳасталикларга чалинган болалар даволаниб, ўқув машғулотларини давом эттирадилар. Оромгоҳ ҳар ёзда уч ой ишлайди. Оромгоҳни барпо этиш учун 100 минг сўм сарф қилинди. Барча бинолар таъмирланиб, иссиқ сув билан таъминлаш йўлга қўйилди. Мавжуд хоналар ётоқхона, синфхоналарга мослаштирилди.

Ўқувчиларга оромгоҳда тарбияланиш учун давлат ва жамоа хўжаликлари томонидан суғурта фондидан бепул йўлланма берилади. Ҳозир бу ерда 200 нафар ҳаста ўқувчилар даволаниб, таълим олишяпти. Келгусида соғломлаштириш оромгоҳида қишки спорт майдончалари, чўмилиш ҳавзаси, ўқув ва даволаш комплекслари қурилади. Шунда у бир йўла 500 ўқувчини бағрига оладиган масканга айланади. Бунинг учун яна бир миллион сўмлик маблағ сарфланади.

ҲОСИЯТЛИ ЎТЛАР

● Андижон гидролиз заводида сувда ўсувчи майда ўтларни шиша қувурлар ёрдамида саноат асосида етиштириш участкаси ташкил этилган.

Жаҳонда биринчи марта бу усулда олинаётган маҳсулот упа-элик, пардоз ва атторлик буюмлари, тиббиёт учун қимматли хом ашёдир. Уни ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган кислород шаҳар ҳавосини тозалайди.

Шу жиҳатдан янги усул истиқболли ҳисобланади. Андижонда ўтказилган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияни сувда ўсувчи майда ўтларни саноат асосида кўпайтириш мавзуига бағишлангани ҳам бежиз эмас.

ҚИШЛОҚ АТЛАСИ

● Олтинкўл ноҳиясидаги Навоий номли жамоа хўжалигида янги атлас тўқиш фабрикаси иш бошлади.

Кичик корхонани қуришда тўқимачилик бўйича инженер Баҳромжон Мирзаевнинг хизмати катта бўлди. У ноҳиянинг «Тошкент» жамоа хўжалигида ҳам худди шундай атлас тўқиш цехи очган эди.

Шаҳарлик кекса дурадгор Тўйчивой ота қишлоқ усталари билан ҳамкорликда ёғочдан 8 та атлас тўқиш дастгоҳи тайёрлаб берди. Шундан 2 таси фойдаланишга топширилди.

Вилоят ипакчилик бирлашмаси ёрдамида Шаҳрисабздан шартнома асосида ипак олиб келинади.

— Ўтган йили хўжалигимиз 30 тонна «кумуш тола» етиштирди. Бу пландагидан 9 тонна кўп, — деди хўжалик раиси Бозорбой Ортиқов. — Мутахассисларнинг айтишларича, шу пилладан 3 тонна ипак олиш мумкин экан. Бу йилда пландан ташқари етиштирилган пиллани ўзимизда олиб қоламиз.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекстони» мухбири.

Муштарийлар ёзадилар

● ҚАШҚАДАРЕ

«БОБОДЕҲҚОН» ОРОМГОҲИ

Ульянов ва Усмон Юсупов ноҳиялари туташган чорраҳада «Бободеҳқон» савдо маркази ва оромгоҳи фойдаланишга топширилди.

Савдо хизматидан кўпчилик баҳраманд бўлмоқда. «Бободеҳқон» оромгоҳини эса ана шу савдо марказининг яқинида «Каршистрой»нинг 15-механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари қуриб беришди. Оромгоҳ меҳмонхона ва 100 ўринли ошхонага эга. Новвойхона ва сомсахоналар ишлаб турибди. Шунингдек, Ульянов ноҳияси марказида «Шифокор» чойхонасини фойдаланишга топширилиши ҳам қишлоқ аҳлини қувонтирди. Чойхона ноҳия марказий касалхонаси яқинида қад ростлаган бўлиб, беморларни кўнглини сўрагани келганлар учун қулайлик яратди.

Ж. ЮСУПОВ.

●

АСР ОШГАН ОНАХОН

Ноҳиядаги Ленин номли жамоа хўжалигининг Ниёзбоши қишлоғида яшайдиган Кумушой ая Отабоева 107 баҳорни қаршилади.

1883 йили таваллуд топган бу онахон ҳануз бардам ва тетик. Фарзандлар, юзлаб невара, эвара ва чевараларининг меҳр-ардоғида тинч ва фаровон ҳаёт кечирмоқда. У ёшларга ўзининг воқеаларга бой умр йўли ва ҳаёт тажрибалари ҳақида ҳикоя қилишни маъқул кўради.

А. ҲАЙДАРОВ.



• *Спорт* •

ЧАНҒИДА УЧИШ: ЧИМЁН БАҒРИДА

● Жумҳурият пойтахти яқинидаги Чимён тоғи этаклари яна гавжумлашиб қолди. Янги йил арафасида қалин қор ёғиб, тоғ-чанғи спорти усталари ва шаҳарлик дам олувчиларга ажойиб қулайлик вужудга келди. Шу кунларда спортчиларнинг машқларга зўр беришлари, шаҳарликларнинг дам олишлари учун имконият етарли. Қияликларга ўрмалаб чиқувчи замонавий техника ёрдамида чанғи учиш йўллари созланмоқда. Осма-арқон йўллари дам олувчилар хизматида. Бу ерда чанғида учиш бўйича Ўзбекистон чемпионатини ўтказишга ҳозирлик кўрилмоқда. Ф. Қурбонбоев (ЎзТАГ) олган суратларда Чимён спорт комплексининг кўриниши ва ёш чанғичи тасвирланган.

ШАХМАТ: УНВОН ВА МУКОФОТ

● Жаҳон чемпиони номига тўртинчи марта сазовор бўлган Гарри Каспаров мусобақа низомига кўра 1,5 миллион доллар оладиган бўлди. Бундан ташқари тўташ иккита «К» ҳарфидан иборат махсус совринни ҳам олади. Бу соврин бриллиант билан безатилган бўлиб, 1 миллион доллар туради. Шахмат тожига даъвогар Анатолий Карповга эса 900 минг доллар берилади.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ҲАММА ХОҲЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Бўстонлиқ курорт зонасида ноанъанавий усуллар билан даволаш маркази

«САЛОМАТЛИК МАКТАБИ»
ОЧИЛДИ
УНИНГ ДАСТУРИДА:

— ушу (цигун ва йог) машқларидан фойдаланилган ҳолда бевосита, шарқ ва классик массажлар курсларини ташкил этиш;

— даволаш-соғломлаштириш таомили (пишлоқхўрлик, кўкатхўрлик, озиш-парҳез терапияси), ҳаракат фаоллиги ва нафас олиш машқлари (ушу, йог, массаж, ўз-ўзини массаж қилиш гимнастикаси, пиёда сайр қилиш ва ҳоказолар), чиниқиш тадбирлари (қуёш нуридан баҳра олиш, ҳаво ваннаси, сувдан фойдаланиш, оёқяланг юриш), мустақил машғулот ўтиш (аутоген машқи, медитация, асабни назорат қилиш ва ҳоказолар) асосида соғайиш ва дам олишни ташкил этиш.

Сизлар «Саломатлик мактаби» зонасидаги диққатга сазовор жойлар билан танишиш, пиёда сайрга чиқиш, Чорвоқ сув омборида катерда сайр қилиш, гид бошчилигида қизиқарли жойларга сафар қилиш имкониятига эга бўласиз.

Курслар гуруҳларнинг тўлишига қараб иш бошлайди.

Йўлланма қиймати — таълим олиш, соғайиш ва гуруҳида таълим олинган тақдирда 200 сўм.

Қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Қодирий кўчаси, 13-уй. «Билим» жамиятининг вилоят ташкилоти. Телефон: 44-58-51, 44-55-69.

ҚИСҚА МУДДАТ ИЧИДА ЯНГИ МУТАХАССИСЛИКНИ ЭГАЛЛАБ ЧИҚИШНИ ХОҲЛАГАН БАРЧА КИШИЛАРНИ

ССЖИ статистика давлат комитетининг ҳисоб-китоб, ҳисоб ва иқтисодий ахборотларни машина ёрдамида ишлаб чиқиш соҳаси раҳбар ходимлари ва мутахассислари малакасини ошириш тармоқлараро илмгоҳининг

ЎЗБЕКИСТОН ШОХОБЧАСИ ҚОШИДАГИ ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ КУЛЛИЁТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

— хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар,
бюджет ташкилотлари,
кичик ва ҳамкорлик корхоналари,
ташқи иқтисодий банк ва тижорат банкларининг бухгалтерлари ва иқтисодчилар;
информатика бўйича ўқитувчилар;

ПП ЭҲМга хизмат кўрсатиш ва унинг ремонти бўйича мутахассислар ва машинадан фойдаланувчилар;

ПП ЭҲМ дастурчилари;
менеджерлар,

иқтисодий масалалар бўйича бош врачларнинг ўринбосарлари,

ижтимоятчилар.

Барча мутахассислар бўйича таълимнинг кундузги, кечки ва сиртқи бўлимлари мавжуд.

ЎҚИШ МУДДАТЛАРИ:

КУНДУЗГИ БЎЛИМДА — 7 ой;
КЕЧКИ БЎЛИМДА — 10 ой.

СИРТҚИ БЎЛИМДА—15 ой.

Машғулотлар халқ таълими соҳасида жорий этилган ўқув дастури асосида давлат нархлари бўйича жумҳурият халқ хўжалиги тармоқларига биноан илмгоҳ , профессор-ўқитувчилари ва етакчи мутахассислари томонидан олиб борилади.

Факультетга олий, ўрта махсус ва ўрта маълумотли кишилар дастлабки назарий синовдан кейин қабул қилинади.

Факультетни тамомлагач малака даражаси билан бирга белгиланган нусхадаги дипломлар ва гувоҳномалар берилади.

Бошқа шаҳарлардан келган тингловчилар меҳмонхона типидаги шинам ётоқхона билан таъминланади.

МАШҒУЛОТЛАРНИНГ БОШЛАНИШ МУДДАТЛАРИ:

КУНДУЗГИ БЎЛИМДА:

I-ТУР — 1991 йил 7 январдан,
II-ТУР — 2 сентябрдан;

КЕЧКИ БЎЛИМДА:

1991 йил 7 январдан;

СИРТҚИ БЎЛИМДА:

I-ТУР — 1991 йил 1 февралдан,
II-ТУР — 2 сентябрдан.

Бизнинг манзилгоҳ: 700077, Тошкент шаҳри, Луначарский шоҳ кўчаси, 42-уй (Черкасск кўчаси томонидан кирилади).

Телефонлар: директор — 67-19-03, 67-24-61; директор ўринбосари — 67-19-13.
Ҳужжатлар қабулхонаси — 67-24-62.
Деканат — 68-54-52.

Корхона, ташкилот, совхоз ва колхоз раҳбарларининг

ДИҚҚАТИГА!

2-ДАВЛАТ ИТТИФОҚ ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ (ГСПИ-2)

ЎЗ ХИЗМАТИНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ

Маҳаллий аҳамиятга тегишли автомобиль ва трактор келиш йўллари лойиҳасини сифатли ва иш топширувчи манфаатига риоя қилиб бажаради.

ЛОЙИҲА ТЕЗ ВА МУЪТАДИЛ ЧИҚАРИЛАДИ.

Маълумот учун телефон: 35-35-62.

Бизнинг манзилгоҳ: 700000, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 24-уй. ГСПИ-2.

Андижон, Сирдарё, Фарғона, Тошкент, Қорақалпоғистон, Хоразм, Наманган механизациялаштирилган колонналари, «СирдарёГРЭСстрой» қурилиш бошқармалари, Қувасой темир-бетон буюмлари заводи, Наманган-даги «Электростройдеталь» корхонаси ва 1-«Узсельэлектрострой» трестининг ишлаб чиқариш-технологик тўлдириш бошқармаси жамоалари 1-«Узсельэлектрострой» трестининг бошқарувчиси

Сайдивоҳид АСҚАРХУЖАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ Қурилиш вазирлигининг 4-ихтисослаштирилган қурилиш-монтаж трести жамоаси трест бошқарувчиси

Аҳмадхон Абдужабборович АБДУЖАББОРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Ўзпищчепром» жумҳурият озиқ-овқат саноати ишлаб чиқариш-илмий бирлашмаси аппаратининг раҳбарлиги, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари Тошкент ёғ-мой комбинати директори А. Б. Жамоловга онаси

Гулзода ЖАМОЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Электротехника алоқа олийгоҳи ректорати, партия ва касаба уюшмаси қўмиталари физика кафедрасининг доценти М. И. Исмоиловга онаси

Сабоҳат ая АЛАВУДДИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат педагогика олий билимгоҳи ректорати, ижтимоий ташкилотлари ва сиёсий тарих кафедраси жамоаси шу кафедра доценти Ф. А. Раҳимовга отаси

Ҳожиакбар РАҲИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт олий билимгоҳи маъмурияти, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари умумий биоорганик кимё шўъбасининг доценти С. М. Машариповга отаси

Машраббой БЕКЖОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ГЎДАКЛАРНИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ

Бу ҳақда ўйлаб кўринг, одамлар!

Даҳанаки жанг! Бу сўзларни айтиш оппа-осон. Лекин унинг замирида не-не фожиалар ётганини ҳис этганимизда юрак-бағримиз зирқирайди: «Бу қандай кўргилик?!». Ана шу паллада халқ судлари эшиклари олдида ғўдакларини етаклаб, зор-зор қақшаб юрган оналар кўз олдимизга келади.

Мана бу даҳшатли рақамлар устида чуқур мулоҳаза қилайлик. 1989 йилнинг 9 ойи мобайнида Тошкент шаҳридаги район халқ судларига никоҳни бекор қилиш ҳақида 6400 дан зиёд ариза тушган, шундан 5000 га яқини судлар томонидан қаноатлантирилган, яъни никоҳлар бекор бўлган. 1990 йилнинг 9 ойида эса 5700 дан кўпроқ ариза тушган, 4500 га яқин оила ажратилган. 1989 йилда Тошкент шаҳри бўйича никоҳдан ўтган оилалар сони 22.275 та, 1990 йилнинг тўққиз ойида эса 17.285 та бўлган. Бу рақамлар бизни хурсанд қилади, албатта. Янги оилаларнинг барпо бўлиши жуда яхши! Лекин никоҳларнинг бекор бўлиши-чи? Сарсон-саргардонлик, қанчадан-қанча бегуноҳ ғўдакларнинг тирик етим қолиб, аччиқ кўз ёш тўкишларидан бошқа гап эмас. Эр-хотин ўртасидаги муносабатларда ўта ҳурматсизликлар пайдо бўлиши шунга олиб келади. Ҳозир ҳаммамизни ана шу жиддий масала қаттиқ ташвишлантирмоқда . Ахир, ҳар йили никоҳдан ўтган оилаларнинг 60 фоизига яқини ажралмоқда-ку, шунда ҳам лоқайд бўлиб туришимиз керакми?!

Нега бундай аҳвол юз бермоқда, сабаби қаерда? Келинг, шу ҳақда барчамиз жиддий ўйлаб кўрайлик. Хўш, бу ҳақда шахсан мен нима дея оламан? Фикримча, кўпинча биз фарзандларимизни оила қуришга тайёрлай олмаяпмиз. Ҳеч кимга сир эмас, баъзи оилаларда қиз болага меъёридан ортиқ шарт-шароит яратиб берилади. Ҳали жамиятга ва ўз оиласига сариқ чақалик наф келтирмаган қизалоқ бошдан оёқ зеб-зийнатларга буркаб юборилади. Улар ота-оналари киймаган кийимларни киядилар, қимматбаҳо тақинчоқлар тақадилар. Афсуски, бу нарсаларнинг қаердан, ниманинг ҳисобидан келаётганини хаёлларига ҳам келтиришмайди. Лабларига ҳар хил бўёқларни суртиб, масхарабозларга ўхшаб юришдан уялишмайди.

Қани, рўй-рост айтайликчи, оиланинг эркатойи бўлиб тарбияланган бундай қизлар бирор хонадонга келин бўлиб тушганларида ўз вазифаларини уддалаб кета оладиларми?! Бу саволга ижобий жавоб қайтариш қийин. Чунки, қуш уясида кўрганини қилади, дейдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаб айтиш керакки, қизим борган жойида тиниб-тинчиб кетсин, деган ота-она уни эл қатори кийинтиради, китоб ўқишга, уй юмушларини аъло даражада бажаришга одатлантиради, тикиш ва бичишни ўргатади.

Энди ўғил болалар ҳақида нима дея оламиз? Улар келажакда оила бошлиғи бўладилар. Уларни шунга тайёрлашимиз шарт. «Бир йигитга қирқ ҳунар оз», — дейди доналар. Шундай экан, ғўдаклигиданоқ ўғилларимизга билим берайлик, турли касб-ҳунарларни ўргатайлик. Баъзи оилалар бунга амал қилишмайди. «Ўғлим катта бўлса ўз йўлини топиб кетар», деган хом хаёлга бориб, ҳаддан зиёд эркалатиб юборадилар, 20 ёшга етмасданоқ турли-туман маркадаги автомашиналар сотиб олиб берадилар. Қўлига болта ёки белкурак ушлаб, бирор фойдали ишга уринмаган, ота-она юзига тик қараб, ўзи ҳоҳлаган ишларни қилиб юрган, моданинг орқасидан қувиб, кўчадан бери келмайдиган бундай йигитчаларга бир бечоранинг гулдай қизини келинликка олиб берамиз. Тўй ўтганидан кўп ўтмай йигитнинг оила қуришга тайёр эмаслиги маълум бўлиб қолади. Келин ва куёв ўртасига астасекин совуқчилик туша бошлайди. «Зўрлик билан қурилган иморат охири вайрон бўлади», — дейдилар. Икки ўртада ўғил ва қизлар дунёга келгандан кейин ҳам оилани ушлаб туриш қийин бўлада қўпинча турли кўнгилсиз воқеалар содир бўлишига олиб келади. Мисолларга мурожаат этайлик.

Даъвогар А. жавобгар М. билан никоҳни ЗАГС бўлими орқали расмийлаштириб, 1980 йил 9 август куни турмуш қуришган, 1988 йилда фарзанд кўришган. Даъвогарнинг жавобгар М. билан ўрталаридаги никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризасида, юқорида қайд қилинган ҳолатлар, яъни жавобгарнинг уй ишлари билан шуғулланмаслиги, уни ва ота-онасини ҳурмат қилмаслиги, уруш-жанжал чиқариши, сабабсиз тез-тез ўз ота-онасиникига кетиб қолиши, бунинг оқибатида ўзаро муносабатлари жиддий кескинлашгани баён этилган.

Худди шундай ҳолатлар никоҳни бекор қилиш билан боғлиқ бир қанча бошқа ишлар бўйича ҳам мавжуд.

Оиладаги аёл кишининг ўзига юклатилган вазифани етарли даражада бажаролмаслиги, яхши ният билан турмуш қурган турмуш ўртоғининг, унинг ота-онасининг, оила аъзоларининг ҳурматини жойига қўймаслиги, судлар томонидан оилани сақлаб қолиш билан боғлиқ бўлган чоралар кўрилишига қарамасдан, оиланинг барбод бўлиш олдида турганидан далолат беради.

Никоҳни бекор қилиш масаласида судга аёл кишининг мурожаат қилиши кўпгина ҳолларда оиладаги эр-хотин муносабатида ҳақиқатда ҳам меҳр-оқибатнинг йўқолганлигини, шу билан, боғлиқ носоғлом вазият вужудга келганини тасдиқловчи ташвишли ҳолатдир. Афсуски, ҳозирги вақтда аёллар томонидан никоҳни бекор қилишни сўраб судга берилаётган даъво аризаларининг салмоғи анчагина.

Даъвогар А. судга жавобгар Р. га нисбатан уларнинг ўрталаридаги никоҳни бекор қилишни сўраб даъво ариза билан мурожаат қилган. Жавобгар билан 1982 йили турмуш қурганини, бир нафар фарзанди борлигини, суд томонидан уларни яраштириш билан боғлиқ кўрилган чоралар ҳеч қандай натижа бермаганини, бундан буён биргаликда яшашга, оилани сақлаб қолишга имконият йўқ эканлигини қайд этган. Судда жавобгар Р. даъвогарнинг важларини инкор қилган. Суд оилада келиб чиққан бундай носоғлом вазиятни тарафларни яраштириш билан боғлиқ чоралар ижобий натижа бермаганини ҳисобга олиб, никоҳни бекор қилган.

Фарзандларнинг тарбияси билан шуғулланиш, вояга етган фарзандларга мустақил ҳаёт йўлини топишда кўмаклашиш халқимиз урф-одати ва удуми бўйича ота-онанинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Лекин, афсуски, ҳаётда бундай бурчни ўзидан соқит қилган ота-оналар ҳам учраб турибди. Ана шунга ачинасан киши.

Буюк аллома Алишер Навоий ёзганларидек, яхши хотин — оиланинг давлати ва бахти, уйнинг озодалиги ундан, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан. Аммо, худо кўрсатмасин, номуносиб хотин учраса, ўз уйингда ҳалокатли иллат пайдо бўлади.

Эр ва хотин тотув яшаса, рўзғорда тартиб-интизом, қутбарака бўлади. Фарзандлар ҳузур-ҳаловатда вояга етади, камол топади.

Ажралиш, қўйди-чиқди деган фожиаларнинг номи ўчсин, ота ва онанинг ноқобиллиги оқибатида норасида ғўдакларнинг аччиқ кўз ёшлари тўкилмасин, азизлар! Шу ҳақда ўйлайлик! Жаҳлга эмас, ақлга эрк берайлик. Ана ўшанда олам гулистон бўлади.

У. МИНГБОЕВ,
Тошкент шаҳар судининг раиси.

ШИФОБАХШ ШАРОБ

● Энгельс номли жамоа хўжалигида узумчилик асосий соҳа ҳисобланади. Бу ерда ҳар йили 5—6 минг тоннадан узум етиштирилади. Ички имкониятларини ҳисобга олган хўжалик бошқаруви маҳсулотни ташиш қийинчилигига барҳам бериш мақсадида бундан чорак аср илгари Қайнама қишлоғида «Роҳат» винои ишлаб чиқарадиган цех очганди. Кейинчалик у Самарқанд шаҳридаги вино заводининг филиалига айланди. Айни пайтда бу цех корхонани етарли миқдорда сифатли хом ашё билан таъминлаш базаси бўлиб хизмат қиляпти.

Филиалда қон босими паст бўлган беморлар хасталигини даволашда фойдаланадиган «Кагор», «Ўзбекистон» каби шароблар ишлаб чиқариш масаллиги тайёрланмоқда.

Филиал 1990 йили Самарқанд ноҳияси ҳамда Пастдарғом, Булунғур, Жомбой ноҳиялари хўжаликларидан режадагидан 1,5 баравар кўп — 5050 тонна узум қабул қилди. Бундан 700 тонна шарбат олиниб, пешма-пеш корхонага жўнатилиб турибди. Истеъмолчиларга ана шу хом ашё ҳисобига 1 миллион 400 минг шиша шароб жўнатилади.

Бу ерда чиқиндисиз технология асосида иш юритилади. Шунинг учун узум уруғи ҳам хом ашё манбаига айланган. Ҳозиргача Фарғона ёғ-мой комбинатига 62 тонна узум уруғи жўнатилди. Ундан шифобахш мой олинади. У 5 минг сўм фойда келтирди.

Ишлаб чиқаришда юксак самарадорликни таъминлаётган В. Соколов, И. Умаров, Н. Орзиев, П. Ҳаяевлар ёрдамида филиалда серунум ускуналар ўрнатилиб, «Ўзбекистон», «Жасорат» деб номланган янги шифобахш шароб ишлаб чиқариш хом ашёси тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

Э. ҲОЖИҚУРБОНОВ,

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, С. Ф. МУҲИДДИНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. К. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; партия турмуши — 33-34-69, 33--38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-55-70; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана

ИНДЕКС 64533.
Заказ 4720.

№ 3. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12